5000000 ТОННА ТАЙЁР!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 249 (18.127). • 28 октябрь 1981 йил, чоршанба • Баҳоси 2 тийин.

НАВБАТ—ОЛТИНЧИ МИЛЛИОНГА

РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

⊙ 26 октябрь куни республика қабул пунктларига 75.855 тонна пахта топширилди. Ана шу ҳосилнинг 58.710 тоннаси машиналар ёрдамида териб олинди. Мавсум бошидан буён давлатга 4.876.032 тонна «оқ олтин» етказиб берилди. Шунинг 3.056.984 тоннаси агрегатлар бункеридан тўкилди. Мавсум бошидан буён 280.854 тонна, шу жумладан бир кунда 5.505 тонна ингичка толали пахта тайёрланди.

⊙ Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд ва Хоразм областларида машиналарда пахта териш юксак суръатларда олиб борилянти.

Об-ҳаво йиғим-терим учун қулай келяпти. Ҳар бир ғаниматфурсатдан самарали фойдаланайлик!

⊙ Пахтакорлар! Социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топшираётган Тошкент ва Бухоро областлари деҳқонларидан ўрнак олинг!

КАРВОНБОШИЛАР

Автоном республиканинг кўпгина хўжаликлари пахта териш ва давлатга топширишда юксак суръатларга эришаётир. Чуночи беш кун мобайнида Тўрткўл районидаги «Ленин йўли» колхози йиллик планга нисбатан 17,5 процент, Шуманай районидаги Гагарин номли совхоз 16,9 процент ўсишга эришди. Автоном республика пахтакорларининг байрамолди социалистик мусобақасида Тўрткўл ва Беруний районлари хўжаликлари пешқадамлик қилмоқда. Бу районларда ҳар куни йиллик планнинг 2,5 процента ва ундан ҳам кўпроқ миқдорда пахта тайёрланмоқда.

Тўрткўл районидаги Йўлдош Курбонов номли совхозда Жолғос Бердимуродов бошлиқ бригада эришаётган пешқадамлик қилмоқдалар. Бригада азаматлари йиллик планни муддатидан илгари уддалаб қўйган бўлсалар-да, ҳосил йиғим-теримини юксак суръатларда давом эттиришмоқда. 26 октябрь куни бу ерда тайёрланган пахта йиллик планнинг 10 процентини ташкил этди.

ҒАЛАБА РАПОРТЛАРИ

Октябрь районидаги меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Бу ерда қабул пунктларига 39 минг тонна «оқ олтин» топширилди. Эришилган меҳнат ғалабасига С. Раҳимов номли, И. Охунбобоев номли совхозлар ва бошқа хўжаликлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

* * *

Қўриқ Комсомолобод районидаги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳафиз Полвонов раҳбарлик қилаётган «Партия XXIV съезди» совхози коллективи Андижон **областида биринчи бўлиб социалистик мажбуриятни адо этди. Хўжаликдаги 2 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан 30 центнердан хирмон кўтарилди.** Ҳосилнинг 95 процентини механизаторлар агрегатлар бункоридан бўшатишди. Дала гвардиячилари машинада пахта териш планини 122 процент бажаришди. Совхоз пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, гектаридан яна 5 центнердан дурдона йиғиб-териб олишга ва ялпи хирмонни 7 минг тоннага етказишга аҳд қилдилар.

Ҳозир областда олти хўжалик, 17 бўлим ва 223 бригада йиллик планни уддалаб, социалистик мажбуриятни ҳам бажариш арафасида турибди.

* * *

Китоб районидаги дала гвардиячилари машинада пахта териш йиллик планини адо этдилар. Мавсум бошидан буён «зангори кема»лар бункеридан 17.741 тонна «оқ олтин» тўкилди. Планнинг бажарилишига Улуғбек номли, Куйбишев номли колхозлар, «Партия XIX съезди» совхози механизаторлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Район пахтакорлари машина терими ҳажмини 20 минг тоннага етказиш мажбуриятини олишди.

* * *

Косонсой районидаги «Ҳақиқат» колхози деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан илгари адо этдилар. Давлатга 3.080 тонна биринчи сорт пахта топширилди. Ҳосилдорлик хўжалик бўйича ўртача 32 центнерни ташкил этди. Абдуваҳоб Саломов, Абдураим Пирматов, Турсунбой Муҳсинов, Хаткиной Роҳаталиевалар бошлиқ пешқадам бригадаларда ҳосилдорлик 40-46 центнерга етди. Колхоз азаматлари яна 770 тонна «оқ олтин» тайёрлаш мажбуриятини олишди.

Шу райондаги Худойбердиев номли совхоз ҳам йиллик планни бажарди. Бу ерда давлатга 5.200 тонна пахта топширилди.

* * *

Ленинград районидаги «Комсомол» колхозида пахта тайёрлаш йиллик плани бажарилди. Колхоз саршуносларининг қабул пунктларига 3.950 тонна «оқ олтин» топширилди. Ҳосилдорлик гектарига 35 центнерни ташкил этди. Хўжалик саршуносларининг давлатга яна 700 тонна пахта топшириш ва ҳосилдорликни 40 центнерга етказишга аҳд қилдилар.

* * *

Ўзбекистон районидаги «Комсомол» совхозининг Чкалов номли бўлимида териб олинган ҳосилнинг 70 процентдан кўпроғини Абдураҳим Ҳакимов раҳбарлик қилаётган терим-транспорт отряди саранжом-саришта қилди. Отрядда 10 та пахта териш машинаси, битта кўсак узиш, 5 кўрак чувиш агрегати ишлатилмоқда. Улар ёрдамида 1500 тонна пахта йиғиб-териб олинди.

ҲАШАРЧИЛАР ИБРАТИ

Термиз давлат педагогика институти ва ўрта махсус билим юртларининг студентлари пахтакорларга йиғим-теримда катта ёрдам кўрсатмоқдалар. **Утган куни улар 206 тонна пахта теришди. Ҳар бир теримчининг кунлик иш унуми 53 килограммни ташкил этди.**

ИЛҒОРЛАРГА ТЕНГЛАШИНГ

Хатирчи районидаги «Ўзбекистон» колхозида машинада пахта териш плани бажарилди. Хўжалик дала гвардиячилари 3.200 тонна «оқ олтин»ни бункерлардан бўшатишди. Облокул Каримов, Саломиддин Сувонов, Ялғош Бердиқулов, Назар Расулов, Мустафо Аҳмедов сингари механик-ҳайдовчилар 180-200 тоннадан пахта тердилар.

Ҳозир область бўйича етти хўжалик, 222 бригада социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётир.

Оқдарё районида ҳамон оқсаяпти, бу ерда 290 машинадан атиги 103 таси ишлатиляпти, холос. Жомбой районида эса қўл терими яхши ташкил этилмаётир.

„ОҚ ОЛТИН" ЖИРМОНИГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 октябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — шу жумладан бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

ТОШКЕНТ	0,65	109,46	0,64	121,50
Бухоро	1,51	98,51	1,84	96,09
Жиззах	1,33	97,72	0,68	102,84
Сирдарё	1,12	93,87	0,79	97,00
Қашқадарё	1,25	89,99	1,56	83,50
Наманган	1,00	83,30	1,27	78,06
Фарғона	1,01	80,95	1,34	75,64
Сурхондарё	1,02	80,39	1,11	65,36
Хоразм	1,93	80,20	2,52	78,55
Андижон	1,13	71,34	1,50	55,47
ҚҚАССР	2,07	70,07	2,61	57,04
Самарқанд	1,89	66,12	2,57	52,91
Республика бўйича:	1,30	83,49	1,52	78,99
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
Бухоро	2,31	97,71	0,77	61,48
Наманган	1,16	93,30	2,90	94,85
Сурхондарё	1,33	78,64	1,35	67,39
Қашқадарё	1,58	63,46	1,31	34,64
Республика бўйича:	1,49	75,91	1,31	55,72

НАЗИРАНИНГ ЎН ТОННАСИ

Гулистон районидаги «Коммуна» колхозида чиқарилган «Жанговар варақада» «Ғалабанг билан табриклаймиз, Назира!» сарлавҳали хабар эълон қилинди. Н. Исломова меҳнат қилаётган бригада қизлари бу хабарни қувонч билан ўқиб чиқдилар. Улар дугоналарини социалистик мажбуриятни бажарганлиги билан қизғин табриклашдилар. Назира мавсум бошидан буён ўн минг килограмм пахта терди.

(ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидаги районлар республика «Ҳурмат тахтасига ёзилди:

Октябрь райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Нишонов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Назаров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Синдоров, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Кильдюшев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Дуваланов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Оналбоев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Ниятов;

Дўстлик райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Исроилов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Нахипов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайдаров, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Жонгиров, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қаршиев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Норқулов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Дорожкина;

Оқолтин райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Тетуев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Фозилов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қўзибоев, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Юсупов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Юсупов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Аҳмедов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Абдурахмонов;

Меҳнатобод райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Сувонқулов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Турдикулов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Нуриддинов, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Чоршанбиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Содиқов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Мўминов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Худойбердиев;

Бувайда райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳайдаров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Раҳимов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Абдуллаев, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Қулматов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳасанов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ҳамроқулов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Мадаминов;

Пешқу райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳамроев, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Розиқов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Аҳмедов, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Холов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Иноятов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Кенжаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Неков;

Комсомол райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Омонлиқов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Кодиров, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Хидиров, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Муродов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қиргизбоев, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Крохмаль, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Искандаров.

Қамаши райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Оллоёров, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Абраев, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Сиддиқов, район Сельхозтехника бошқарувчиси ўртоқ Шоймардонов, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Ҳайитов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Норбўтаев, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Турабов;

Қизилтепа райони — район партия комитетининг секретари ўртоқ Ҳикматов, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ Асадов, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Қосимов, район Сельхозтехникасининг бошқарувчиси ўртоқ Шамсиев, район суғориш системалари бошқармасининг бошлиғи ўртоқ Латипов, район комсомол комитетининг секретари ўртоқ Ахтамов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси ўртоқ Уроков.

Меҳнат рапортлари

Тошкент области саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 64 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик планни муддатидан илгари 27 октябрда бажардилар.

Ўн ойлик пландан ташқари 80 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилиш кўзда тутилмоқда.

* * *

Тошкент шаҳридаги саноат корхоналарининг коллективлари октябрнинг меҳнат вахтасида туриб, маҳсулот реализация қилиш ва буюмлардан энг муҳим турларининг кўпчилигини ишлаб чиқариш юзасидан ўн ойлик планни муддатидан олдин, 27 октябрь куни амалга оширишни кўзда тутмоқда.

Илғор ишчилардан 23 мингдан кўпроқ киши қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажарай деб қолди ва ўн биринчи беш йилликнинг биринчи йили планини бажарганликлари ҳақида 7 ноябрга ча рапорт беришга тайёрланмоқда.

(ЎзТАГ).

КРЕМЛДАГИ МУЗОКАРАЛАР

Суратда: музокаралар олдидан. В. Мусаэльян ва Э. Песов фотоси (ТАСС).

27 октябрь куни Кремлда Совет — Шимолий Яман музокаралари бўлиб ўтди.

Музокараларни:

Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, СССР ташқи иқтисодий алоқалар давлат комитетининг раиси С. А. Скачков;

Шимолий Яман томонидан — Яман Араб Республикасининг Президенти А. А. Солиҳ олиб борди.

Дўстона вазиятда ўтган музокараларда СССР билан ЯАР ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳалардаги муносабат масалалари, шунингдек актуал халқаро проблемалар, аввало Яқин Шарқдаги аҳвол билан боғлиқ проблемалар ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Л. И. Брежнев ва А. А. Солиҳ икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар муваффақиятли ривожланиб бораётганлигидан мамнун эканликларини изҳор этдилар. 1964 йилги дўстлик тўғрисидаги шартнома бу муносабатларнинг мустаҳкам замминдир. Улар СССР ва ЯАР халқларининг фаровонлиги йўлида шу муносабатларнинг янада мустаҳкамланиши ва кенгайишини ёқлаб гапирдилар.

Халқаро проблемалар муҳокама қилинаётганида жаҳонда кескинликнинг ўсишидан иккала томон ташвишда эканлиги изҳор этилди ва барча тинчликсевар кучларнинг қуролланиш пойгасини жиловлашга, ядро уруши хавфини йўқотиш ва тинчликни мустаҳкамлашга қаратилган актив ҳаракатлари зарурлиги таъкидланди.

Музокара қатнашчилари Яқин Шарқдаги аҳволга алоҳида эътибор бердилар. Бу ердаги вазиятнинг янада кескинлашиб бораётганлиги Исроил ва унга ҳомийлик қилаётган империалистик кучларнинг агрессив сиёсати натижаси эканлиги уқтириб ўтилди. Шу муносабат билан Яқин Шарқдаги можаро ҳар томонлама бартараф этилишига тезроқ эришиш зарурлиги таъкидланди. Яқин Шарқ масаласи юзасидан барча манфаатдор томонлар иштирокида, шу жумладан фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик ташкилоти иштирокида халқаро конференция чақирилиши бундай бартараф этишнинг реал йўлини очиб берган бўлур эди.

Томонлар араб давлатлари ва халқларининг туб манфаатларига зид келувчи сепарат битимлар тузиш сиёсатини қатъиян қоралашдилар. Улар Яқин Шарқда Исроил қўшинларини 1967 йилда босиб олинган барча араб территорияларидан батамом олиб чиқиб кетиш ҳамда фаластинлик араб халқининг ажралмас миллий ҳуқуқлари, шу жумладан, унинг ўз мустақил давлатини тузиш ҳуқуқи амалга оширилиши асосида одилона ва мустаҳкам тинчлик ўрнатилишига эришиш учун қатъий аҳд қилганликларини таъкидладилар.

Л. И. Брежнев Совет Иттифоқининг Яқин Шарқ районидаги, шунингдек дунёнинг бошқа районларидаги давлатларга нисбатан шум ниятлари бўлмаганлиги ва ҳозирда ҳам йўқлигини таъкидлади. Совет Иттифоқи — барча араб халқларининг самимий, изчил ва бегараз дўстидир, у араб мамлакатларининг территорияларида ҳарбий базалар қуриб олишга умуман интилаётгани йўқ. Совет Иттифоқи фақат бир нарсани — ўзи билан қўшни Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ва шу райондаги, бейстисно, ҳамма давлатлар билан яхши муносабатда бўлишнигина истайди, холос.

Визит якунлари хусусидаги қўшма ахборот текстя матбуотда эълон қилинади.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНЛАРИ

Яман Халқ Демократик Республикаси қишлоқ хўжалик ва ер ислоҳоти министри Сулаймон Носир бошчилигидаги ана шу республика делегацияси Ўзбекистонга келди.

27 октябрь куни делегация Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. С. Ашуралиев билан суҳбатлашди.

Делегация Тошкентдан ташқари Самарқандда ҳам бўлади. Делегация пахтакорлар, қишлоқ хўжалик машина-механизмларини ремонт қилувчи усталар билан учрашади, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш проблемаларини ҳал этаётган илмий ташкилотларининг фаолияти билан танишади.

* * *

Республикамизда меҳмон бўлиб турган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг органи — «Руде право» газетаси редакторининг ўринбосари В. Герлах Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

Чехословакия етакчи журналистларидан бири бўлган В. Герлах Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини кўздан кечирди, В. И. Ленин Марказий музейи филиалини, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасини бориб кўрди. У Тошкентдаги олий ўқув юртларида бўлди. Тошкент Олий партия мактабининг тингловчилари билан учрашиб, бу ерда «ЧКП нинг актуал проблемалар ва душман идеологиясига қарши курашдаги вазифалари» мавзуида лекция ўқиди, В. И. Ленин номли Тошкент давлат университети ҳузуридаги ижтимоий фанлар ўқитувчиларининг малакасини ошириш институтида ва республикаларо партия курсларида лекциялар ўқиди.

В. Герлах республика бўйлаб сафар қилди. У Бухоро, Самарқанд, Навоий шаҳарларида бўлди, йирик саноат корхоналарида лекциялар ўқиди. (ЎзТАГ).

ВАТАНГА АРМУҒОН

Бухоро области пахтакорларининг рапорти

Бухоро областининг пахтакорлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съезднинг қарорларини, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошира бориб, Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги шарафига юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, шу йилнинг иқлим қийинчиликларини бартараф этдилар ва пахтадан мўл ҳосил етиштирдилар, теримни уюшқоқлик билан қисқа муддатларда ўтказдилар ҳамда пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари 27 октябрь куни бажардилар. Тайёрлов пунктларига 570 минг тоннадан кўпроқ Бухоро «оқ олтини», шу жумладан 32,5 минг тонна энг қимматли ингичка толали пахта навлари етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 33,6 центнердан пахта йиғиштириб олинди. Тайёрланган пахтанинг 357 минг тоннаси ёки 63 процента машиналар билан териб олинди.

Областнинг ҳамма районлари пахтакорларининг меҳнат ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар. Пахта тайёрлаш планини 120—124 процент бажарган Ромитан, Олот, Ғиждувон районларининг, планни 107 процент бажарган Пешқу районининг, планни 100,5 процентдан ошириб адо этган Қизилтепа районининг пахтакорлари айниқса зўр ғайрат кўрсатдилар. Когон, Қоракўл районларининг хўжаликлари планни бажариш арафасида турибдилар.

73 колхоз ва совхоз, 1500 дан кўпроқ бригада пахтакорлари юксак натижаларга эришдилар. Улар беш йилликнинг биринчи йили социалистик мажбуриятлари ҳисобига пахта топширмоқдалар.

Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги», Ибн Сино номли совхозлар, Ғиждувон районидаги Карл Маркс номли, Айний номли, Пешқу районидаги Жданов номли, «Москва», Қизилтепа районидаги «Ленинград», Олот районидаги Ф. Хўжаев номли, Свердлов районидаги Калинин номли колхозлар ҳар гектар ердан 45—50 центнер, 120 бригада эса 60 центнердан ва бундан ҳам кўпроқ пахта териб олдилар.

Эришилган бу муваффақият — область колхозчилари, совхозларнинг ишчилари, механизаторлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, тайёрлов органлари, барча меҳнаткашлар фидокорона меҳнатининг, партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий тарбиявий ишлар натижасидир.

Тайёрлаш ташкилотлари олиб борган катта ишлар, шаҳар ва район марказларидаги саноат корхоналари коллективларининг, студентлар ва ўқувчиларининг пахта теримида қатнашганлиги пахта тайёрлашни муваффақиятли бажаришга ёрдам берди.

Область меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан бутун етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай тезроқ териб олиш учун астойдил курашмоқдалар. Область пахтакорлари ўз имкониятларини чамалаб кўриб, давлатга пландан ташқари қўшимча равишда 130 минг тонна пахта топширишга ва шу йил тайёрланадиган жами пахтани 700 минг тоннага етказишга қарор қилдилар.

ҲАЁТ—ИЛҲОМ МАНБАИ

КПСС XXVI съезди тарихий қарорларидан илҳом олган Ўзбекистоннинг ижодкор зиёлилари партия билан ҳукуматнинг тинимсиз ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб бериб, ўзларининг бутун куч ғайратларини ажойиб совет воқелигимизни партиявий позициялар тўғрисида тасвирлайдиган чуқур ғоявий ва юксак бадиий адабиёт ҳамда санъат асарларини яратишга сарфлямоқдалар.

1981 йилда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг янги состави тасдиқланди, илгари белгиланган бешта ўрнига саккизта мукофот бериладиган бўлди. Ўзбек совет социалистик маданиятини равнақ топтириш тўғрисидаги шу ғамхўрлик ва эътибор учун республиканинг бутун санъаткор жамоатчилиги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, республика ҳукуматига астойдил қизғин миннатдорчилик изҳор этмоқда.

Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреатларининг шонли отрядига ўзбек совет адабиёти, санъати ва архитектураси арбобларининг янги группаси қўшилди. Шу юксак мукофот билан тақдирланган асарлар коммунистик ғоявийлик руҳи билан суғорилган, мавзулари ва образларининг салмоқдорлиги билан ажралиб турибди. Муштарак дунёқараш ва ягона ижодий метод асосида яратилган бу асарлар айни вақтда авторлик ва миллий услуб фазилатларининг бойлиги ва хилма-хилдиги билан, шаклларнинг турлича эканлиги ва бадиий услубининг кенг қамрови билан эътиборни ўзига тортади.

Юксак шеърий маҳорат, бадиий ҳаққоният — республикамизда кенг танилган шоир Абдулла Орипов ижодининг ўзига хос белгиларидир. У ўзбек адабиётининг ўрта авлодига мансуб бўлиб, шу дамгача шеърий китоблар чиқарди, республика Ленин комсомоли мукофоти лауреати бўлди.

Шоир Ҳамза номидаги мукофотга сазовор бўлган китобларида ўз тенгқурларининг орзу-умидларини, ижодидаги ва меҳнатидаги зафарларини тараннум этади. Жонажон диёр ҳақида, дўстлик ва муҳаббат ҳақида жўшиб куйлайди. Абдулла Орипов нинг ўзига хос шеърий овози бор, шу боисдан ҳам унинг асарлари китобхонлар меҳр-муҳаббатини қозонди.

Болалар ёзувчиси Ҳаким Назир асарларининг беш томлик тўплами ҳам ўзбек адабиётидаги муҳим ҳодисалар жумласига киради. Ҳаким Назир республика ёзувчилари орасида биринчилар қатори болалар-ўспиринлар адабиётида ҳозирги турмушни акс эттирадиган проза асарлари яратишга, ишчи инсоннинг образини гавдалантиришга киришди. Ҳаким Назирнинг асарлари марказий нашриётларда бир неча бор чоп этилди. СССР халқларининг бир неча тилларида нашр этилди, болалар ва ўспиринлар адабиётининг Бутуниттифоқ зона кўрикларида юқори баҳо олди.

Таниқли адабиётшунос олим Асил Рашидов Ҳамза номли мукофот билан тақдирланган «Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири» монографиясида ўзбек адабиётида қисса жанри вужудга келиб, ривожланган сайин унда меҳнат аҳлининг образи яратилиши йўлини тадқиқ этган. Муаллиф мавзуни талқин этар экан, қиссанинг жанр сифатидаги ўзига хослигини, унинг эволюциясини эстетика ва ижтимоий онг тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ўрганган. Асарда кўпдан-кўп материаллар таҳлил этилган. Октябрь революцияси давридан тортиб ўзбек совет адабиётининг бутун тарихи кўз олдимизда гавдаланади. Муаллиф ўзбек қиссасидаги меҳнат мавзуни ҳар хил жиҳатлардан текшириб баён этади. Меҳнат коллективи билан, халқ билан, жамият билан хилма-хил ва мураккаб алоқалари бўлган инсон, янги социалистик индустрияни ва қишлоқ хўжалигини бунёд этган, янги инсоний муносабатларни вужудга келтирган тадқиқотчининг диққат-марказида туради. Асил Рашидовнинг асари факт ва материалларга, оригинал умумлашмаларга, илмий хулосаларга бой. Бу — ўзбек адабиётшунослигини ривожлантиришга қўшилган салмоқли ҳиссадир.

Пиримқул Қодировнинг «Йолдузли тунлар» романи ва шу романни рус тилига таржима қилган ёзувчи Юрий Суровцевнинг меҳнати Ҳамза номли мукофот билан тақдирланди. «Йолдузли тунлар» романида Ўрта Осиёда Улуғбекнинг ҳалокатидан сўнг ёш Бобир тарих саҳнасига чиққан ва тўхтовсиз урушлар ҳамда жанжаллар билан тўлиб-тошган даҳшатли даврларда феодал тарқоқлигига барҳам беришга уринган олис йиллар манзараси китобхонинг кўз олдида гавдалантириб берилган. Бобирнинг тақдиридаги кескин бурилишлар, унинг руҳий камолоти романда марказий ўринни олган. Ҳилма-хил одамларнинг тақдирлари ва характерлари тасвиридан романнинг бекиёс инсонпарварлик концепцияси ҳосил бўлади. Бу концепция ўша даҳшатли шароитларда ҳам эзгу ният билан яшаган ва маънавий бойлик дурдоналарини яратишга қодир бўлган инсоннинг даҳосига ишонч билан тўлиб тошган. Роман муаллиф билан ҳамдўстликда маҳорат билан таржима қилинганлиги асарнинг ғоявий-бадиий фазилатларини ҳаққоний ва аниқ бера олган.

Машҳур плакатчи, график-рассом Фарук Кағаров сиёсий плакатлар туркумини учун мукофот билан тақдирланди. Бу циклдаги асарлар юксак ғоявий-бадиий савияда яратилганлиги кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлди. Бутуниттифоқ ва чет эл матбуотида неча марта босилиб чиқди. Улар совет турмуш тарзини, тинчлик учун, қуролсизланиш учун, ҳозирги ва келажак авлодларнинг бахт саодати учун кураш мавзуини истеъдод билан бадиий тасвирлашнинг намунасидир. Ёркин образлар, жанговарлик, публицистиклик, тасвирий воситаларнинг лўндалиги, замонни ноёб ҳис этиш Фарук Кағаров плакатлари учун характерлидир.

Рассом Михаил Михайлович Степаньянц «Ленин биз билан» бадиий панорамани яратганлиги, шунингдек Қашқадарё областида бажарган бадиий безатиш ишлари учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Ўрта асрнинг атоқли олими Абу Али ибн Сино ҳайкали учун ҳайкалтарош Ҳакимхўжа Хусниддинхўжаева ва архитектор Рафаил Тўхтаганович Ҳамза номидаги мукофот берилди. Бу катта ҳайкал ўзининг салобати ва инсоний қиёфаси билан эътиборни жалб қилади. Ибн Синонинг бронзадан ясалган фигураси олим ва мутафаккирнинг юрти — Бухоро областининг Афшона посёлкасидаги янги майдоннинг марказида қизил гранитдан ишланган супага ўрнатилган. Ҳайкалнинг умумий қиёфаси бадиий образнинг ички сермазмунлиги билан бойитилган. Ҳайкал мутафаккирнинг 1000 йиллик юбилейига бағишланган. Безатилган чиройли ҳовузи бўлган кўркам қиёфондан ҳайкал кўриниб туради. Ибн Сино музейининг биноси, маданият уйи ва савдо комплекси биноларидан майдонга қаратиб қурилган. Мутаносибликнинг қатъийлиги ва аниқлиги, моҳирлик билан топилган ўлчамлар — шуларнинг ҳаммаси ҳайкалнинг монументаллигини белгилаб беради.

«Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти — «Ваташа ҳизмат қиламан» бадиий фильмининг постановкачи режиссёри Латиф Файзиев ва сценарий автори Артур Макаров 1981 йилги Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреатлари бўлишди. Бу фильм бизни бир ярим аср олдин ўтмиш воқеаларига қайтаради: ўтган асрнинг 30 йилларида Россия билан Афғонистон ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш учун Қобулга миссия жўнатилган эди. Фильм ҳалис ниятли элчиларнинг машаққатли йўли ҳақида, уларни бегона мамлакат территориясида кутиб турган хавф-хатарлар, миссияга бошчилик қилган қўрқмас ва фаросатли поручик Алексей Налимовнинг тақдири тўғрисида ҳикоя қилади. Авторлар мамлакатимиз билан Афғонистон ўртасида анъанавий дўстликнинг вужудга келишини конкрет тарихий материал асосида кўрсатиб бердилар. Фильм зўр мароқ билан тамоша қилинади, билим бериш ва тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эгадир.

Театр санъати соҳасида Навоий номли Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театри опера группасининг қатнашчилари — А. Петровнинг «Пётр Биринчи» монументал опера спектакли устидаги ишни маҳорат ва ғайрат-шижоат билан амалга оширган постановкачи-режиссёр Фиридон Сафаров, Пётр Биринчи ролини ижро этган Вячеслав Гриненко, София партиясини ижро этган Розалинда Лаут, Макарий партиясини ижро этган Қўрқмас Муҳитдинов лауреат бўлишди.

Тошкентлик саҳна усталарининг асари опера санъатини ривожлантиришдаги илғор тенденцияларни мужассамлаштиради ва бадиий жиҳатдан ғоят жўшқин асарлар орасида бир босқич сифатида таърифланиши мумкин.

Самарқанднинг қадимги маданият маркази — Регистон майдони архитектура ансамблини тиклаганлик учун Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилди. Таъмирчилик ишларининг бош консультанти Акром Худойқулов, архитектор Иосиф Пинхасов, конструктор-инженер Яков Арадовский, таъмирчи, рассом Александр Ступин (лойиҳа авторлари), таъмирчи уста Шамси Сайфиевдан иборат авторлар коллективи ажойиб натижаларга эришди.

Мазкур иш Самарқанддаги Регистон майдонини тиклашнинг иккинчи босқичидир. Иккинчи босқичда Тиллакори мадрасаси, тилла сувоқ югиртирилган ниҳоятда чиройли нақшлар реставрация қилинди. Феруза гумбаз тикланди. Ҳозирги инженерлик конструкциялари кошинларнинг тагида гумбазларни, пештоқларни пухта мустаҳкамлаш, уларнинг юксак даражада зилзилабардошлигини таъминлаш имконини берди. Мутахассислар коллективининг ижодий изланишлари туфайли ноёб майолика ва нақшли кошинлар, уларнинг йўқ бўлиб кетган шаклари ва конструкциялари тикланди. Регистон майдони ва бу ердаги архитектура ёдгорликлари ҳозир тамошабинлар кўз ўнгида ўзининг бутун салобати билан, улар яратилган замондаги бутун ажойиб шаклари ва бўёқлари билан товланиб турибди, кўпдан-кўп туристларнинг эътиборини жалб этмоқда.

Биз Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг янги лауреатларини чин қалбдан муборакбод этамиз. Юксак мукофот уларнинг янада зўр ғайратшижоат ва илҳом билан ишлашлари учун омил бўлиб хизмат қилишига аминмиз.

Комил ЯШИН,
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотлари комитетининг раиси.
(ЎзТАГ).

ЭЛЧИ БИЛАН СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико 26 октябрь куни Буюк Британиянинг Совет Иттифоқидаги элчиси К. Киолани унинг илтимосига биноан қабул қилди.

Яқинда бўлиб ўтган Совет—Англия мулоқотларининг давоми сифатидаги суҳбатлар чоғида бир қанча халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олинди. А. А. Громико дунёдаги вазият кескинлашганлигининг сабабларини кўрсатиб, қуролланиш пойгасини жиловлаш ва қуролсизланиш учун, бу соҳада томонларнинг тенглиги ва баб-баравар хавфсизлиги принципи асосида ҳаракатларга тезроқ эришиш учун реал тадбирлар кўриш зарурлигини таъкидлади.

А. А. Громико дунёнинг бир қанча районларида кескинлик мавжудлигига эътиборни жалб қилиб, бартараф этилмаган халқаро масалаларни халқларнинг ҳаққоний ҳуқуқларини ва давлатларнинг суверенитетини ҳурмат қилиш, уларнинг ички ишларига аралашишга йўл қўймаслик асосида музокаралар олиб бориб ҳал этиш йўлларини қидириб топиш муҳимлигини қайд этди. Шу муносабат билан Вашингтоннинг кейинги баёнотлари эслатиб ўтилди, Вашингтон Яқин Шарқдаги давлатларнинг ички ишларига аралашиш ҳуқуқини ўзлаштириб олишга уринмоқда.

Икки томонлама— Совет—Англия муносабатларига келганда шуни айтиш керакки, деди министр Совет Иттифоқи бундай муносабатларни турли соҳаларда ижобий ривожлантиришга шай бўлиб, бунда у Англия томони ҳам худди шундай шай бўлишини назарда тутади.

(ТАСС).

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»НИНГ МУСОБАҚАДОШЛАР ДАВРАСИ

БИРИ-БИРИГА УСТОЗ, ШОГИРД...

МЕҲНАТ БЕЛЛАШУВИНИНГ ШИОРИ: ТАЖРИБА, ТАШАББУС, САМАРА

Социалистик мусобақа янги ижтимоий муносабатларнинг табиий ва қонуний кўриниши сифатида совет кишиларининг ҳаётига сингиб кетди. Унинг буюк яратувчилик ва тарбиявий роли КПСС XXVI съездида алоҳида таъкидлаб ўтилди. Съезд материаллари ва қарорлари меҳнат коллективларининг ғайрат-шижоатлари ва ижодий ташаббусларини янада ривожлантиришга, йиллик ва беш йиллик топшириқларни барвақт бажаришга, илғор тажрибаларни кенг ёйишга, пировард натижада — юксак самарадорликка эришишга илҳомлантирди.

«Совет Ўзбекистони» газетаси бугундан бошлаб ўз саҳифаларида ана шу ибратли тажрибалар, ижодий ташаббуслар ва уларнинг битмас-туганмас самаралари ҳақида газетхонларга кенг ҳикоя қилиб бериш мақсадида — «Мусобақадошлар давраси» янги рубрикасини очди.

Дастлаб сўз — редакциямиз меҳмонлари: Тошкентдаги «Учқун» тўқимачилик галантерея ишлаб чиқариш бирлашмасининг мусобақадош ишчилари — Антонина Кондратьева билан Мавлуда Эргашева ўртоқларга!

Антонина КОНДРАТЬЕВА
Тўқув-ўроб цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори

«Социалистик мусобақа — оммавий ижодиёт», — деган эди Леонид Ильич Брежнев КПСС XXVI съездида. Чиндан ҳам у ўзининг моҳият-эътибори билан меҳнат қишларининг юксак онглилигига, ташаббускорлигига асосланган. Худди ана шу ташаббускорлик ишлаб чиқариш резервларини топишга, уларни ҳаракатга келтиришга, иш самарадорлиги ва сифатини оширишга ёрдам беради. Буни биз ўз ишимизда, мусобақадошлар беллашувида ёрқин кўриб, қалбдан сезиб турибмиз.

Маълумки, ҳамма ишнинг мезони ва ўлчови — ишлаб чиқариш кўрсаткичларидир. Шу боисдан биз кўзда тутилган юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришиш учун аввало мусобақа талабларининг ижросига алоҳида эътибор берямиз. Бу талаблар нималардан иборат? Шахсий план бўйича мажбуриятни бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, бракнинг олдини олиш, меҳнат интизомига қатъий риоя қилиш, сиёсий-техникавий билим ва касб малакасини мунтазам такомиллаштириб бориш, қолоқ ва ёш ишчиларга ёрдамлашиш, жамоат ишларида ва меҳнатни илмий ташкил этиш юзасидан ўтказилаётган тадбирларда актив иштирок этиш, иш жойи ва асбоб-ускуналарнинг доимо тоза, соз бўлишини таъминлаш — ҳаммаси социалистик мусобақа талабларидир.

Корхонамизда ҳар бир бригада, цех ва ишчилар ўзаро мусобақалашаётганда ана шу талабларни ўртага қўйди. Барча бирдек бу талабларнинг аниқ ижроси учун кураш олиб боради.

Цехимиз ишчиси — ҳам мусобақадошим, ҳам сменадошим Мавлуда Эргашева иккимиз ўз ишларимиз жараёнида ана шу талаблар тўкис бажарилиши учун астойдил интиляпмиз. Пландаги 23 ўрнига 26 дастгоҳда ишлаб, смена топшириқлари мудом 120—130 процент адо этилишини таъминлаяпмиз. Планларни ошириб бажариш билан бирга тежамкорлик ва қатъий иқтисод қилиш режимига алоҳида эътибор беряпмиз. Шу йилнинг ўтган ойлари давомида кўзланганидан 2 баравар кўп резина, ип-калава маҳсулотлари тежаб қолдик.

Ишга вақтида келиш, иш жараёнида бошқа нарсаларга алаҳсирамаслик ва смена охирида иш жойи ҳамда асбоб-ускуналарни тоза, соз ҳолда қолдириш кундалик меҳнатимизнинг баракали бўлишига кенг имкон беряпти. Шуни қувонч билан хабар қиламанки, съездлар йили топшириқларини куни кеча шараф билан адо этдим. Худди шу тарзда беш йиллик топшириқларимни ҳам уч йилу 8 ойда уддалашга сўз бердим. Менинг бу ташаббусимни ҳамкасбларим Раиса Шилова, Сора Рўзимбетова, Раиса Муслимовалар ҳам қўллаб-қувватлашди. Айни кунларда улар ҳам корхонамиз пешқадамлари сафида бориб, ўз социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Мусобақа — ошкоралиги ва ёқтиради. Бугун кенг газетхонлар олдида меҳнатда мусобақадошим Мавлудахон ҳам ўз ютуқлари, илғор иш усуллари ҳақида гапириб берса деган ниятдаман. Токи, биз кўпчиликнинг олдида эришган кўрсаткичларимизни қиёслаб олсак, таҳлил қилсак, тажрибаларимизни ўртоқлашсак, дейман.

Мавлуда ЭРГАШЕВА
Тўқув-ўроб цехи ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори

Мусобақадошим Антонина тўлқинланиб кетиб, жуда ажойиб гапларни айтди. Мен унинг сингари — ганга чечан бўлмасам-да, ҳар қалай ўзаро мусобақамизнинг борыши тўғрисида қисқача ахборот бермоқчиман.

Аввало шуни айтишим керакки, бизнинг иш жойимиз, шароитимиз, касбимиз ўхшашлиги сингари ҳаёт ва меҳнат йўлимиз, тақдиримиз ҳам кўп жиҳатдан бир-бирига жуда-жуда ўхшаб кетади. У ҳам, мен ҳам кечки ишчи-ёшлар мактабини битирганмиз. 16 ёшимиздан меҳнат фаолиятимизни бошладик. Иккимиз ҳам ишчилар оиласидан: ота-оналаримиз шаҳримизнинг турли корхоналарида, турли касбларда меҳнат қилишади. Антонина Алексеевнанинг устози Елена Филатова билан менинг мураббийим Любовь Антонина ўз корхонамизда елкама-елка ишлашади. Ана шу тасодифий ўхшашлик томонлар ҳам бизни бир-биримизга яқинлаштиришда катта роль ўйнади, дўст-дугона қилди, меҳнатда мусобақалашишга даъват этди.

Антонина ўз сўзида мусобақанинг ошкоролигидан гап очди. Жуда тўғри фикр. Ишга одатимга кўра ҳар гал 5 — 10 минут олдин келаман. Иш жойимнинг тозалиги, дастгоҳларнинг соазлигини текшириб кўраман. Меҳнат жараёнида иш узлиқ ҳоллари содир бўлиб, ортиқча вақтимни йўқотмаслик учун ҳом ашё сифатини кўздан ўтказаман. Ихтиёримдаги 26 дастгоҳнинг ҳаммасига смена охирига қадар ётгулик калавалари ҳозирлайман. Айрим ишчилар каби баъзи учсиз калаваларни ташлаб юбормасдан, учини топиб, ишловини бериб дастгоҳларимга биратўла ўрнатиб қўяман.

Буларнинг ҳаммаси менга зиммамга олган мажбуриятларимни беками-кўст бажаришимга қулайликлар туғдиримоқда. Кунлик топшириқларимни мунтазам 130 процент адо этаяпман. Йиллик планимни уддалаб қўйганимга бир ҳафтача бўлди. Меҳнат календаримда 1982 йил бошланди. Беш йилликни тўрт йилда бажариш ниятидаман. Менинг бу ниятим ҳамкасбларим — Мамлакат Расулова, Любовь Чикова, Мария Смеркина, Руқия Азизоваларга ҳам маъқул тушди. Улар ҳам Улуғ Октябрнинг 64 йиллигига қадар йиллик, СССРнинг 60 йиллик юбилейигача икки йиллик топшириқларини уддалашга бел боғлашган.

Яқинда синглим Мавжуда ҳам корхонамизга ишга келди, қисқа вақт ичида мустақил ишлай кетди. Ҳозир корхонамиз ишчилари ўртасидаги социалистик мусобақада фаол иштирок этмоқда.

Мен яна бир гап ҳусусида алоҳида тўхталмоқчиман. Корхонамиз маҳсулотларининг сифати, шубҳасиз ҳом ашёга боғлиқ. Биз ҳом ашёни Фарғона, Бухоро тўқимачилик комбинатларидан оламиз. Бироқ, айрим ҳолларда мазкур корхоналардан олаётган ҳом ашёлар талаб даражасида бўлмаяпти. Эҳтимол, бу ҳақда тегишли раҳбар ташкилотлар ўйлаб кўрсалар, ёмон бўлмасди.

Азиз дугонам, Антонина Алексеевна, мен Сизнинг гапингизга шуни қўшимча қилиб айтмоқчиманки, ҳозир бутун Ватанимиз бўйлаб 100 миллиондан кўпроқ кишини бирлаштириб турган социалистик мусобақада бундан бўён ҳам актив иштирок этаверамиз. Зеро, мусобақа социализм шароитида меҳнатга янгича муносабатнинг, беллашувда ишчиларнинг бир-бирига устозу шогирдлигининг ёрқин кўринишларидан биридир. Мамлакатимизда унинг ҳаётбахш нафасидан баҳраманд бўлмаган биорта меҳнат кишиси бўлмаса керак.

Суратда: мусобақадош ишчилар Антонина Кондратьева ва Мавлуда Эргашева.

А. Тўраев фотоси.

ЗАФАРЛАРИМИЗ —ОКТЯБРГА

Шонли сана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 64 йиллиги байрами яқинлашиб келмоқда. Республикамиз саноат корхоналари, қурилиш ташкилотларининг меҳнат коллективлари КПСС Марказий Комитети Октябрь Чақириқларига жавобан мусобақа байроғини баланд кўтармоқдалар. Қуйида ишчи коллективларидан олинган хушхабарлар билан танишасиз.

ТОШКЕНТ

ЧЕВАРЛАР АҲДИ

«7 ноябргача ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йили топшириқларини бажарамиз!» — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасидаги уч юз илғор ишчининг аҳди шундай.

Корхонада Октябрь байрами шарафига мусобақа авжида. Ишчи-хизматчилар «Ўн беш йил ташаббусига қўшилиб меҳнат қилиб, янги зафарларни кўлга киритишмоқда. Л. Халилова, П. Новосельцева, Ф. Полтаева сингари чеварлар йиллик программани муваффақиятли бажардилар. Зарбдорларнинг меҳнат календарида қозир 1982 йилнинг ноябрь ойи.

БЕКОБОД

МАЖБУРИЯТ БАЖАРИЛДИ

Ўзбекистон металлургия комбинати пўлат эритувчиларидан — Р. Каримов ва И. Кудряшов Октябрь байрами шарафига ўтказилаётган мусобақада ғолиб чиқди.

Электр билан пўлат эритиш цехида ишлаётган И. Кудряшов пландан ташқари 360 тонна пўлат эритди. У металлни нормадаги 4,5 соат ўрнига 3 соату 55 минутда эритмоқда. Шу билан бирга эритма белгиланган 100 тонна ўрнига 105 тоннани ташкил этяпти. Р. Каримов эса металлни ҳар эритишда 35 минут вақтни тежаб, йил бошидан буён топшириққа қўшимча 250 тоннадан кўп пўлат эритишга муваффақ бўлди.

БОЙСУН

ВАҚТДАН ҲУЗИБ

Шойи тўқиш фабрикасида кўп станокчилик ҳаракати кенг авж олган. Бунинг эвазига 1981 йил бошидан буён тикувчилик фабрикаларига пландан ташқари 167 минг сўмлик газлама жўнатилди.

Бир беш йилликда ўн йиллик норматив бажаришга аҳд қилган тўқувчиларнинг зафари қувончлидир. Коммунист С. Иброҳимова Октябрь байрами арафасида йиллик топшириқни адо этди. Унинг мусобақадош дугонаси П. Мирбекова ҳам шундай муваффақиятга эришди. Ҳар икки тўқувчи биттадан қўшимча станокда ишлашади. Корхонадаги ўнлаб ишчилар улардан ўрнак олиб, кунлик нормаларини ошириб бажармоқдалар.

Чет элларда

ЎЗ ВАҚТИДА ҚИЛИНГАН ОГОҲЛАНТИРИШ

Қўшма Штатларнинг милитаристик, агрессив йўли бутун дунёда газабни кучайтирмоқда. Президент Рейганнинг Вашингтон Европада «чекланган» ядро уруши бошлашга тайёрлиги тўғрисида яқинда берган баёноти бу йўлнинг сўнгги ифодаси бўлди. Дунёдаги нўгина мамлакатларнинг сиёсат ва жамоат арбоблари, матбуоти Америка маъмуриятининг сиёсатини кескин танқид қилиб, шу муносабат билан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг «Правда» газетаси мухбирининг саволига қайтарган жавобида қилган огоҳлантириш жуда ўз вақтида қилинган огоҳлантириш эканлигини таъкидламоқдалар.

ГАВАНА. Л. И. Брежневнинг кимки ўзини ўзи ўлдиришга аҳд қилган бўлса, ядро урушида ғолиб чиқиш умидида шундай урушни бошлаши мумкин, деган сўзларини Оқ уйнинг бошлиғи жиддийроқ ўйлаб кўриши керак эди, деб ёзади «Гранма» газетаси. Бу сўзлар ўзининг ҳокимият иштиёқини қондириш йўлида инсониятни тўғридан-тўғри ҳалокатга гирифтор қилишга тайёр бўлиб турган кучларнинг ҳушини жойига келтириб қўяди, деб таъкидлайди газета. Жаҳон халқлари АҚШнинг инсоният тақдирини ҳал қилувчилик ролини ўз зиммасига олиш тўғрисидаги даъволарини кескин рад этмоқдалар, Вашингтон бошлаган игвогарлик ҳаракиш ўйлига қарши норозилик билдирмоқдалар.

ЖЕНЕВА. Одамларни ядро уруши «муқаррар» деган фикрга ўргатиш йўлидаги уринишлар жинояткорона бўлиб, мағлубиятга маҳкум уринишлардир. Инсоният ўз цивилизациясининг ҳалокатга учраш истиқболига тоқат қила олмайди, деди Тинчлик ва озодлик учун курашувчи хотин-қизлар халқаро уюшмасининг бош секретари Э. Баллантай хоним. Европадаги етакчи тенденция тинчлик учун оммавий ҳаракат билан белгиланади, деди у. Тараққипарвар жамоатчилик НАТОнинг Ғарбий Европада Американинг янги ядровий ракеталарини жойлаштириш режаларига қарши норозилик билдирмоқда, чунки бу ракеталар қитъадаги тинчликни янада кўпроқ хавф остида қолдиради. Айни шу боисдан ҳам президент Рейганнинг Европада «чекланган» ядро уруши мумкинлиги тўғрисидаги баёноти қаҳр-газаб ва норозилик тўлқинини кучайтириб юборди.

ТОКИО. АҚШ маъмурияти ҳарбий кучларни зўр бериб кучайтираётганлиги, стратегик қуролнинг янги системаларини кенг миқёсда жойлаштираётганлиги халқаро вазиятни беқарор қилиб қўймоқда, деб ёзади таниқли япон обзорчиси Сюити Като «Асахи» газетасида босилган мақоласида.

«Эришилган мувозанатни сақлаб қолишни ва ялпи қуролсизланишга эришиш мақсадида музокара ўтказишни халқларнинг хавфсизлиги манфаатлари талаб қилади», — деб уқтиради у. (ТАСС).

ВАЗИЯТ КЕСКИН

ЛОНДОН. 26 октябрь. (ТАСС). Кейинги кунларда Қоҳирада хавфсизлик кучлари билан ҳукумата қарши туруҳларнинг аъзолари ўртасида бир неча тўқнашув содир бўлди. Рейтер агентлигининг хабар қилишича, режимга қарши бўлган кишилар Қоҳирининг Мааъди районидаги полиция участкасига гранаталар ташлаганлар. Икки ўртада бошланган отишма вақтида режим душманларидан бири ўлдирилган.

ҚОҲИРА. 26 октябрь. (ТАСС). Миср режимига қарши фитнага дахлдор, деб айбланаётган кишиларни қамоққа олиш давом этмоқда. МАР ички ишлар министрлигининг бу ерда тарқатилган баёнотида ушланиб ўтилишича, кечаги кунгача ҳукуматга қарши яширин ташкилотларнинг 397 раҳбари ва қатнашчиси қамалган, 17 та пулемёт, 41 та автомат, 23 та пистолет, 116 та қўл гранатаси, кўп миқдорда портловчи модда, ёндирувчи суюқлик жойланган шиша идишлар ва ўқдори мусодара қилинган.

Баёнотда уқтириб ўтилишича, икки пиҳона квартирани қўлга олиш вақтида хавфсизлик кучлари қуроллар қаршиликка дуч келганлар. Натижада бир неча киши ўлган ва жароҳатланган.

«Маю» газетаси фитнанинг тафсилотларини хабар қилади. 6 октябрда ҳарбий парад вақтида мамлакатнинг ҳамма раҳбарлари қириб ташлангандан кейин МАР радиоси ва телевидениесининг биноларини қўлга олиш режаластирилган экан. Бу ерда дикторлардан бири революция тўғрисида плёнкага ёзиб олинган баёнотни ўқиб эшиттириши керак эди. Шу бинода ишловчи инженер радиоэшиттиришлар ва телевизион кўрсатувларни тўхтатиб қўйиб фойдаланилаётган ҳамма частоталарда мазкур баёнотнинг эшиттирилишини таъминлаш топшириғини олган экан.

Мудофаа министрлигининг, марказий телефон узелининг, полиция участкаларининг биноларини ва бошқа энг муҳим давлат биноларини қўлга олиш ҳам мўлжалланган эканлиги аниқланди.

ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИНИНГ НАМОЙИШИ

ПАРИЖ. 26 октябрь. (ТАСС). Франция пойтахтида тинчлик ва қуролсизланиш учун умуммиллий намойиш бўлиб ўтди. Бу кейинги йиллардаги энг катта намойиш бўлиб, тинчлик учун курашувчи Франция ҳаракатининг ташаббуси ва Компартия. Умуммеҳнат конфедерацияси, Студентлар миллий иттифоқи, Уруш ветеранлари уюшмаси ва бошқа ташкилотларнинг қўллаб-қувватлаши билан ўтказилди. Намойишда парижликлардан ва уни якунлаган митингда қуролланиш пойгасини кучайтиришга қарши норозилик овоз этиш учун бошқа шаҳарлардан пойтахтга махсус келган аҳолидан қариб 100 минг киши қатнашди. Улар якдиллик билан қабул қилган мурожаатда инсониятни ядро фалокати хавфидан халос қилиш зарурлигини айтдилар, ядро қуролларининг қисқартирилишини, нейтрон қуролининг тақиқланишини талаб қилдилар.

УАЙНБЕРГЕР ДАРҒАЗАБ

НЬЮ-ЙОРК, 26 октябрь. (ТАСС). АҚШ мудофаа министри К. Уайнбергер Ғарбий Европага қилган сафаридан қайтиб келгач, Европа қитъасидаги урушга қарши ҳаракатни қоралаб гапирди. Шу билан бирга у Лондон, Париж, Рим ва Боннда Американинг ўртача олисликка учадиган янги ракеталарини жойлаштиришга қарши намойишларга жуда жиддий муносабатда бўлиш кераклигини, чунки уларда юз минглаб кишилар қатнашаётганини эътиборга олиш кераклигини тан олди.

Шу муносабат билан бу ердаги хабардор доираларнинг эслатиб ўтишларича, Бундестагдаги ХДС-ХСС Фракциясининг раиси Г. Колнинг АҚШга яқинда қилган визити вақтида Америка маъмурияти ГФРда ракеталарга қарши оммавий ҳаракат кучайиб боришига йўл қўймасликка ўтириб даъват қилган эди. Шу доирларда уқтириб айтишларича, президент Р. Рейган билан АҚШ давлат секретари А. Хейг ХДС-ХСС нинг ГФР даги ҳокимият тепасига чиқишини табриклаган бўлур эдик, деб Г. Кольни ишонтирдилар. Коль эса ўзи ҳокимият тепасига чиққан тақдирда, унинг ҳукумати ГФР территориясида Американинг ҳанотли ракеталари ва «Першинг—2» ракеталари жойлаштирилишига тайёргарликни тезлаштирган бўлур эди деб ваъда қилди. Коль, мен бошчилик қиладиган ҳукумат НАТОнинг «қўшимча қуролланиш» тўғрисидаги маълум қарори молиявий оқибатлари билан алоқадор бўлган Американинг ҳамма талабларини бажарган бўлур эди, деган ваъдани ҳам берди.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«КИМ ЎЗАРГА»

Юқоридаги сарлавҳа остида босилган [газетанинг шу йил 19 август сони] фельетонда Ўзбекистондан Уфа шаҳри бозорига бориб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини бирин ўнга пуллаган айрим чайқовчиларнинг кирдикорлари фош этилган эди. Ушбу фельетон юзасидан тегишли ташкилотлардан жавоб олинди:

ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИ: фельетонда кўрсатилган фактлар текширишда тасдиқланди. Қарши шаҳар ички ишлар бўлими А. Кимга нисбатан жиноий иш қўзғади. Тергов ишлари олиб борилмоқда.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПРОКУРАТУРАСИ: газетада босилган «Ким ўзарга» сарлавҳали фельетон муносабати билан ўтказилган текширишда слибсотарлик фактлари, шахсий манфаат йўлида давлат автомобилларидан ғайри қонуний фойдаланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини расмий суратда бошқа республикаларда сотиш ҳоллари аниқланди.

Текширириш натижасида давлат машинасидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаланган автомашина ҳайдовчилари устидан жиноий иш қўзғатилди.

Область прокуратураси, ички ишлар, суд ва юстиция органлари бундай тартибсизликларни бартараф этиш юзасидан қўшимча тадбирларни ишлаб чиқдилар.

Район санэпидемиология станцияси шофёри Т. Исабоева ўз томорқасида етиштирилган помидорни Уфа шаҳрида пуллагани тўғри.

Газетада мақола босилгандан кейин Т. Исабоева масаласи иш жойида ўтказилган йиғилишда муҳокама қилинди ва ишни бесўроқ ташлаб кетганлиги учун унга выговор берилди.

ҚУЁШЛИ КУНЛАРНИНГ ҲАР ДАҚИҚАСИ ҒАНИМАТ!

ЖАДАЛ СУРЪАТ

Андижон

Районимиз меҳнаткашлари, уларнинг авангарди коммунистларимиз олдида битта муҳим вазифа турибди. Ў ҳам бўлса 1981 йилда давлатга 55 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдир. Бугун унумдор пахта далаларида ана шу давлат аҳамиятига эга бўлган вазифа ҳал қилинаяпти. Барча меҳнаткашлар оммасининг кучғайрати, кўп йиллик тажрибаси, техника воситалари, ички резервлар шу мақсад йўлига сафарбар этиляпти.

Партия ташкилотларимиз меҳнаткашлар орасида мунтазам равишда олиб бораётган сиёсий-ташкилий ва идеология ишлари ҳам шу мақсад йўлига бўйсундирилмоқда. Социалистик мусобақанинг кучайтирилиши пахта тайёрлашда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш билан янги уфқларга кўтарилишга йўл очяпти. Бу қудратли куч воситаси билан пахта теримининг бориши мунтазам таҳлилдан ўтказилиб, ютуқлари мустаҳкамлаш, камчиликларни зудлик билан бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланяпти.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика коммунистлари ва комсомолларга, колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторларига, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларга Мурожаати кўплар қатори бизнинг районимиз пахтакорлари учун ҳам жанговар программа бўлди, уларни теримда янги зафарларга илҳомлантирмоқда.

«Оқ олтин» мавсуми — ҳал қилувчи палласи, йиллар ва ўн йиллар тажрибаси билан синалган халқ доишмандлигининг: «Об-ҳаво об-ҳаволигини қилади, иш эса ўз йўлига» деган нақлига тўла амал қиладиган пайт бошланмоқда. Бугунги кунда барчанинг ва ҳар бир кишининг аҳиллик билан қилган зарбдор меҳнатигина ишнинг муваффақиятини таъминлайди, мўл ҳосилни ёғинсочин бошлангунга қадар йиғиб-териб олиш имконини беради», дейилади Мурожаатда.

Районимизнинг барча меҳнаткашлари, хусусан теримчи ва механизаторлари бу илҳомбахш сўзлардан ўзлари учун тегишли хулосалар чиқариб олдилар, ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам она-Ватанга 55 минг тонна «оқ олтин» етказиб беришдек бурчини шараф билан адо этиш учун курашмоқдалар.

Бугунга қадар давлат тайёрлов пунктларига деярли 40 минг тонна пахта топширилди. Кейинги кунларда ёғингарчиликлар бўлишига қарамай, йиллик планнинг 1,5 процентга миқдорида пахта тайёрлаяпмиз. Шунисси ҳам қувончлики, пахта тозалаш заводига жўнатилган «оқ олтин»нинг деярли ҳаммаси юқори сортларга қабул қилинмоқда.

Механизаторларимиз гўза парвариши даврида нечоғли фидокорлик билан меҳнат қилган бўлсалар, пахта йиғим-терими бошлангандан буён ғайрат ва шижоатларини янада оширмоқдалар. Давлатга топширилган ялпи пахтанинг 18 минг тоннасини механизаторларимиз териб бердилар. Ҳозир ҳам унумдор далаларда 200 дан зиёд «зангори кема» тинимсиз ишлатиляпти. Уларнинг ҳар бири билан кунига ўртача 1,5—2 тоннадан пахта териляпти.

Азамат механизаторларимиз мавсум охиригача бирорта машинанинг пайкаллардан чиқиб кетишига йўл қўймаймиз, уларни тўла қувват билан ишлатамиз, деб ваъда бердилар. Уларнинг сўзи билан иши бир эканлигига, ваъдага вафо қилишларига ишонамиз.

Кўплаб механик-ҳайдовчиларимиз мавсумда 280—300 тоннадан пахта териш мажбуриятини олганлар. Биз бугун улардан: — мажбуриятингизни қандай бажаряпсиз, деб сўрашга ҳақлимиз. Бу саволга ижобий жавоблар олаётганимизни таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Районимизнинг донгдор механик ҳайдовчилари Д а н Мамажон Қодиров, Абдужалил Мамажонов, Турсунбой Жўраев, Исомиддин Омонов, Исмоил Рўзиевлар шу кунгача 220—250 тоннадан пахта териб, эл-юрт ҳурматига, партия ташкилотлари эътиборига сазовор бўлдилар. Улар терими қизғин давом эттирмоқдалар.

Партия ташкилотларимиз илғорлар тажрибасини кенг оммалаштириш билан нисбатан орқада қолаётган механизаторларга талабчанликни оширмоқдалар, хўжаликларнинг дахлдор раҳбарлари уларнинг унумли ишлашлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермоқдалар. Районимиз механизаторлари орасида қолоқлар бўлмайди, деган шиорни кун тартибига қўйганмиз ва бунга сўзсиз эришилади.

Районимиз пахта далаларида 25 мингдан кўпроқ теримчи жавлон уриб меҳнат қилмоқда. 2400 коммунист бу катта отрядга моҳирлик билан байроқдорлик қилмоқда. Мурожаат асосида билагида кучи, қалбида виждони бор кишиларнинг ҳаммаси пахта йиғим-теримига сафарбар этилди. Бу — улкан ишнинг бошланиши. Эндиги вазифа кунлик терим графикларининг мунтазам ошириб бажарилишини таъминлашдан иборат.

Район партия комитети хўжаликларнинг раҳбарлари, партия ташкилотларидан ана шуни талаб қиляпти. Йиғим-теримнинг бориши ҳар кунн таҳлилдан ўтказилиб, суръатни янада оширишга қаратилган чоралар кўрилаётир.

Районимизда кўплаб бригадалар: — жумладан Ўктамхон Тожибоева, Саид Тожиматов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдувоҳоб Қўчқоров, Абдураҳим Халиловлар бошлиқ бригадалар гектаридан 30—35 центнердан, ҳатто ундан кўпроқ пахта териб олиб, йиллик планларини ортиғи билан бажардилар. Яна бир план миқдорида пахта тайёрлаш учун суръат отига қамчи босмоқдалар. Партия ташкилотларимиз уларнинг ибратли ишларини ҳаммаларнинг мулкига айлантирмоқда.

Пахтакор хўжаликлар ҳақида гап борадиган бўлса, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Рўзихон Жўраева раислик қилаётган «Қизил юлдуз» колхози пахтакорлари гектаридан 42 центнердан ҳосил олиб, йиллик маррага якинлашиб қолганини айтиб ўтиш керак. Абдуллажон Раҳимов раислик қилаётган «Ленинизм» колхози пахтакорлари 3200 тонна пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этилганлигини кўрганимизда, барча мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун ажойиб уюшқоқлик, сабот-матонат ва мардлик намоён бўлаётганлигидан огоҳ бўлганимизда беихтиёр хаёлимизга Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг тарихий Мурожаатидаги машҳур даъватқор сўзлар келди.

Йиғим-теримда бу йил ҳам Охунбобоев номли совхоз меҳнаткашлари пешқадамлик қилишди. Улар районда, қолаверса, областда биринчилардан бўлиб галаба рапортига имзо чекишди. «Кўкдала» совхози қўшимча мажбуриятни ҳам шараф билан бажарди. Файзулла Хўжаев номли, чўлда ташкил этилган «Қизил аскар» совхозлари пахтакорлари ҳам районнинг ҳозиргача уйган хирмонига баракали ҳисса қўшишди. «Партия XXIV съезди» колхозининг Иброҳим Раҳматов, «Коммунизм» колхозининг Мардон Мавлонов, Ворошилов номли совхознинг Файзулла Жўлиев, Охунбобоев номли совхозининг Очил Алиқулов, Жонқувват Курбонов бошлиқ бригадалари бригадалар ўртасидаги ўзаро мусобақада карвонбошлик қилишяпти. Бу коллективларнинг ҳар бири ҳозирга қадар ҳар гектар ердан 40—45 центнердан ҳосил йиғиб олди. Ҳали далаларда пахта мўл. Кураш давом этяпти. Демак, ҳосилдорликни 50—60 центнерга етказиш мумкин.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам механик-ҳайдовчилар алоҳида активлик, жонкуярлик ва фидойилик намуналарини кўрсатишяпти. «Коммунизм» совхозидан Қамариддин Алиев, «Партия XXIV съезди» колхозидан Абдусаттор Бойқувватов, «Узкомпарт»ия» совхозидан Мели Қулбулов, Ленин номли колхозидан Сувон Мирзаев, Ворошилов номли совхоздан Равшан Нормуродовлар ҳар куни «зангори кема» бункерларидан 4—6 тоннадан пахта тўкиб, план ва мажбуриятларини шараф билан бажардилар. Улар терими ҳамон жадал давом эттиришяпти.

— Мен, — дейди, — Мели Қулбулов, — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг ғоятда илҳомбахш Мурожаати эълон қилингандан сўнг мажбуриятимни ўзгартирдим. 300 тонна термоқчи эдим. Энди бу маррани 400 тонна қилиб эгаллаймоқчиман.

Пахтакорлар, механизаторлар, ҳашарчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Медицина, маданий-маиший хизмат, савдо хизмати далада гилар эҳтиёжига тўла жавоб беради. Айниқса район матлубот жамияти (раиси Р. Жўраев) савдо ходимлари, шунингдек, Қўқдала ишчилар кооперацияси (раиси Т. Жуманазаров) хизматлари барча мамнун. Район матлуботчилари йиғим-терим мавсумида 6 та автомагазин, 40 та мудирсиз ларёк, 2 та кўчма ошхона, 7 та новвойхона ташкил этишди.

Қирқ икки минг тоннали «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун курашаётган чироқчилик пахтакорлар эрта-индин мажбуриятни ҳам бажаришади. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг октябрдаги Чақириқларидан, республикамиз партия ва ҳукуматининг илҳомбахш Мурожаатидан илҳомланган заршунослларнинг руҳлари баланд, кайфиятлари аъло.

Ю. БЕРДИЕВ,
У. УТАЕВ,
Чироқчи районн.

МАНА ШУ ҲАЛ ҚИЛУВЧИ КУНЛАРДА, ҲАММА, АЙНАН ҲАММА ДАЛАГА ЧИҚИШИ ЛОЗИМ. БУГУНГИ КУНДА БИЗНИНГ БИТТА ЭНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ, МАМЛАКАТ ОЛДИДА БИТТА МАСЪУЛИЯТИМИЗ БОР: У ҲАМ БЎЛСА ПАХТАДИР!

(Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг Мурожаатидан).

ҲАР ОННИ ҚАДРЛАНГИЗ!

Ҳамид ҒУЛОМ,
СССР Давлат мукофоти лауреати, Узбекистон ССР халқ ёзувчиси

ПАХТАЗОР ҒАЗАЛЛАРИ

ҲИММАТ КЎРСАТИНГ

Эй, азиз юртдош, ватандошлар, жасорат кўрсатинг,
Ҳар қачон кўрсатганингиздек маҳорат кўрсатинг.

Фаслнинг ҳар бир куни, ҳар лаҳзаси олтинга тенг,
Вақтнинг тулпорини тезланг, матонат кўрсатинг.

Ҳеч қачон бундоғ ғаниматг бўлмаган ҳар бир нафас,
Ҳар дақиқа қадрини ўлчашда санъат кўрсатинг.

Ҳангу манг бўлсин қуёш ҳам пахтазорларни кўриб,
Сиз уни ҳайрон этиб, майдонда шиддат кўрсатинг.

Хирмонингиз энг баланд тоғларни ортда қолдириб,
Сиз Ватанни бой этишда катта ҳиммат кўрсатинг.

Сизни кўрган чоғда кўкни тарк этар ҳатто булут,
Бурчимизни тез адо этмакка ғайрат кўрсатинг!

Соф ҳаво, олтин хазина кеча-кундуз интизор,
Кўрсатишга мардликни келди фурсат кўрсатинг!

САФО КЕЛИБСИЗ

Сиз шаҳри мўътабардан бул он сафо келибсиз,
Қилмоқ учун кўнгилни шодон, сафо келибсиз!

Қишлоқ ҳавоси шоҳ орому заҳ бағишлаб,
Беихтиёр қилгай хушхон, сафо келибсиз!

Ташриф буюрганингиз чўл пахтазорларига
Бунёд қилур яна кўп хирмон. сафо келибсиз,

Олтинни терган олтин қўлларга офаринлар,
Балли, тамом ушалгай армон, сафо келибсиз!

Сиз бирла келди шодлик, бахт бўлди бизга нўлдош,
Тезлашди йўлларида карвон, сафо келибсиз!

Ҳатто қуёш самода табрикка мунтазирдир,
Қочди булут. еру кўк алвон, сафо келибсиз!

Бу дўстлиғу вафони ҳар қанча қуйласак оз,
Шундан топар саодат даврон, сафо келибсиз!

О Р З У

Доимо хушфеъл бўлгил, хушчирон бўлгил, қизим,
Кундузи халкингга офтоб, тунда ой бўлгил, қизим.

Кимки кўрса. жон қизим, ақли расолардан десин,
Илму фан дарёсидан мазмунга бой бўлгил, қизим.

Сен туғилган кунда: «аттанг, қиз...» деган жонинг отанг
Мактаниб юрсин, жўшиб, кўкпамги сой бўлгил, қизим.

Бахт қуши бошингда чарх урсин ҳамиша, дилбарим,
Сен ўзинг ҳам бахту иқболга Ҳумой бўлгил, қизим.

Яхшиликнинг мужраси сендан таралсин эл аро,
Лек ёмонлик бағрини тешгувчи ёй бўлгил, қизим.

Сен фазога айласанг парвоз Терешкова мисол,
Ўтюрак лочин бўлурсан ҳойнаҳой, бўлгил қизим!

Янги ер оч, унда «зангори кема»нг мушток кутар,
Пахтакор бўлсанг агар сен Турсуной бўлгил, қизим!

СОЗ КУН

Кимки, оз меҳнат қилиб охир топаркан оз якун,
Элда дерлар бундай ишни бекадр, бегоз якун.

Кимки, жон қилмай фидо, кутса ҳаводан интиҳо,
Оқибат босмас торозини бу серпардоз якун.

Режани пухта олиб, кимки, сафарбар бўлса чин,
Мос бўлур мақсадга доим сарбаланд парвоз якун.

Қатра-қатра фикру кашфингизга мардликни қўшиб
Зўр ишонч бирла топурсиз сиз шуларга мос якун.

Сиз фаслларни томоша қилсангиз бўлгай аён:
Неғбаҳорда қиш топур, анвоин кузда ёз якун.

Йил бўйи тинмай жасорат кўрсатиб эй, дўстлар,
Сиз топурсиз яхши кунда бебаҳо мумтоз якун.

Узбекистон ҳиммати халқлар аро машҳур мудом,
Мумкин эрмас топмаса бу қахрамонлик соз якун!

ҚАДРЛАНГИЗ

Ҳар зарраси зар кон бу!
Шул конни қадрлангиз!
Ҳар толаси — кўз нури, хирмонни қадрлангиз!

Бир ённ баланд тоғлар, бир ённ чаман боғлар,
Қоқ ўртада оқ мейдон —
Уммонни қадрлангиз!

Ғавҳарга нечун мақтов!
Мингбора гўзал оқ дил!
Чин ишқли, садоқатли инсонни қадрлангиз!

Тарихни унутмангиз, жондан азиз авлодлар,
Ҳар лаҳзаси меҳру бахт даврининг қадрлангиз!

Ардоқли Ватан чорлаб меҳнатга, жасоратга,
Воднйга келибсиз, бул майдонни қадрлангиз!

Куз фасли ғаниматдир,ҳар соати қийматдир,
Чақмоқ каби тез ўтгай, ҳар онни қадрлангиз!

Ер курраси, одамзод, қардошу қадрдошлар
Йўл устида муштоқдир, карвонни қадрлангиз!

октябрь, 1981.

ТЕРИМ ЗАРБДОРЛАРИ

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Ҳафиза ХУДОЙБЕРДИЕВА — Қарши районидаги Собир Раҳимов номли совхозининг донгдор механизаторларидан бири. Дала ғарданчиси мавсумда 300 тонна «оқ олтин» териш мажбуриятини олган. Унинг шу кунгача терган пахтаси 270 тоннадан ошди. Ҳафизанинг мусобақадоши **Даврон Султоновнинг** мажбуриятн 250 тонна. Шу кунгача агрегати бункеридан 210 тоннаден зиёд пахта тўкди.

* * *

Чироқчи районидаги «Партия XXIV съезди» колхозининг чевар теримчиси Мавлуда Хидирова «Коммуна» колхозининг чевар теримчиси Гулшод Аҳмедова билан мусобақадош. Мусобақадошлар мавсумда 14 тоннадан пахта териш иштиёқида астойдил меҳнат қилмоқдалар. **Мавлуда Хидированинг** шу кунгача хирмонга тўккан пахтаси 9,5 тоннадан ошди. **Гулшод Аҳмедова** ҳам мусобақадошидан қолишмаётир. У мавсум бошидан буён 9 тоннадан зиёд «оқ олтин»ни тарқишга эришди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Эллиққалъа районидаги «Эллиққалъа» совхозининг илғор механизаторлари Ўра Йўлдошев ва Урозбой Қурбонбоев ўзаро мусобақа олиб ишлашяпти. Бу илғор механизаторлар мавсумда 350 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олишган, Ўра **Йўлдошев** ўз агрегати бункеридан 285 тонна, **Урозбой Қурбонбоев** эса 275 тонна «оқ олтин»ни тўкишга эришди.

ЖИЗЗАХ ОБЛАСТИ

Пахтакор районидаги Ульянов номли совхозининг **Холбувй Рустамова** бошлиқ бригадаси аъзолари социалистик мажбуриятларини ошириб бажардилар. 100 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 60 центнердан хирмон кўтаришди.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Жарқўрғон районидаги «Сурхон» совхозининг илғор механизатори **Хайрулла Шарипов** ипак пахтани машинда теришда катта тажриба тўплаган. У бу йилги мавсумда қўм, ўз агрегатини юксак унумларда ишлатиб, 500 тонна ипак пахта теришга эришди.

ЯНГИ МАРРА

Хатирчи районидаги Чкалов номли колхоз пахтакорлари 50 центнерлик маррани эгаллашга қарор қилдилар. Коллектив Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан янги оширилган мажбуриятн олди.

Тошкент технологиясидан фойдаланиладиган деҳқонларнинг мўл ҳосил етиштиришларига имкон берди, терим-транспорт конвейери аниқ-пухта ташкил этилганлиги теримда юксак суръатларга эришишга кўмаклашди. Ғуроқул Жўраев, Ойдин Низомов, Ҳамроқул Турсунов машинада 120—130 тоннадан пахта тердилар.

Колхоз областнинг пахтакор хўжаликлари орасида биринчи бўлиб халқ хўжалик планини бажарди — 1030 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнер пахта териб олинди.

(УзТАГ мухбири).

ТАШАББУСКОРЛАР

Сирдарё районидаги «Ленинград» колхозининг ҳар бир механик-ҳайдовчиси, ҳар бир теримчиси далага бир соат илгари чиқиб, бир соат кеч қайтишади. Улар Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг республикадаги барча меҳнаткашларга Мурожаатига жавобан ташаббус кўрсатиб, шунга қарор қилдилар.

Пахтани қўлда тераётган 1500 кишининг ҳар бири ана шу қўшимча вақт давомида ўрта ҳисобда 10—15 килограммдан, 44 та пахта териш машинасининг ҳайдовчилари эса ярим тоннадан пахта терадилар. Икки юзга якин пенсионер ва уй бекаси уларнинг бу ташаббусига қўшилдилар. Натижада кунлик пахта топшириш хўжаликда планга нисбатан 2,5 процентга етди.

Шу йил колхоз деҳқонлари 45 центнерлик ҳосил учун курашмоқдалар. Бу плондагидан 8 центнер кўпдир.

(УзТАГ мухбири).

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ. «Боёвут» совхоз-техникумида чевар теримчилар кўп. Гулсара Раҳмонова ана шулардан бири. У шу кунларда «Пахтакор» бўлимида «оқ олтин» теряпти. Чевар теримчилар мусобақасида пешқадамлик қилаётган Гулсара Раҳмонованинг хирмонга тўккан пахтаси 7 тоннадан ошди. Суратда: Г. Раҳмонова.

К. Абдукундузов фотоси.

ҚАҲРАМОНЛАР ИБРАТИ

Наманган

НАМАНГАН, («Совет Узбекистони» мухбири). Улуғ Ватан уруши ивалнди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нуриддин Абдуллаев Наманган областининг тажрибали пахтакорларидан бири. Бу йил қаҳрамон бошлиқ бригада ҳар гектар ердан 50 центнердан пахта етиштиришга қарор қилди. Юксак маррани эгаллаш учун деҳқонлар эрта кўкламдан бошлаб ғайрат билан ишлашмоқда. Бригада ҳар гектардан 40 центнердан пахта топшириб, планни аллақачон бажариб қўйди.

— План бажарилган куни пахтакорларимиз билан кенгашдик, — дейди Н. Абдуллаев, — улар даладаги ҳосилнинг бирор миқолини ҳам қолдирмай йиғиштириб олиш, 50 центнерлик маррани эгаллашга аҳд қилишди.

Наманган районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг яна бир донгдор пахтакори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Жўраев бошлиқ бригадаси ҳам йиллик планни муддатидан илгари адо этиб, ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш учун курашмоқда. Теримда механик-ҳайдовчилардан Абдурашид Олимжиев, Абдужаббор Ваҳобов, кўпмингкилограммчи теримчилардан Латофат Бойхонова, Ҳидоят Азимова, Роҳила Муродиллаева барчага ўрнак кўрсатишмоқда. Улар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам етиштирилган «оқ олтин»нинг сўнгги граммигача йиғиштириб олиш учун бошланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилишмоқда.

А. НИЕЗОВ.

МАДАНИЙ МЕРОСНИ САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК

ИКОМА (Юнеско ҳузуридаги Музейлар халқаро кенгаши) Осиё регионал агентлиги раҳбарлик кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида Осиё мамлакатларидаги музейларнинг фаолиятини яхшилаш, шу соҳадаги халқаро маданий алоқаларни мустаҳкамлаш проблемалари кўриб чиқилди. Қитъадаги турли даалатлардан келган мутахассислар региондаги энг қимматли қадимий ёдгорликларни сақлаб қолиш учун зарур чораларни, шу ёдгорликларни тиклаш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги биргаликдаги ишларни аниқ-пухта мувофиқлаштириш вазифаларини муҳокама қилдилар.

Икома Осиё регионал агентлиги раҳбарлик кенгашининг раиси, Ҳиндистон маданият институтининг фахрий директори Амаленду Босе УзТАГ мухбири билан суҳбатда бундай деди: биз мажлисда якин келажакдаги иш планини белгилаб олдик. Музей ишини ривожлантиришда бир қанча мамлакатларга ёрдам бериш тўғрисида қарор қабул қилинди. Музей иши ҳар бир халқнинг маданиятини чуқурроқ билиб олишга, қитъада тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Мажлис қатнашчилари Узбекистон бўйлаб сафар қилдилар, республикадаги энг катта музейларнинг иши, унинг тарихий ва маданий ёдгорликлари билан танишдилар.

(УзТАГ).

КАЙФИЯТ АЪЛО БЎЛСА

Қашқадарё

Ворошилов номли совхоз директори Эшман Норқулов билан «зангори кема» бункеридан 300 тонна пахта тўкиб, дастлабки ғалабага эришган Хайрулла Жобировни табриклаб, қўшнисини ўз оғзидан эшитиб турган эдик. Катта йўл четига келиб тўхтаган юк машинасидан йигирма-йигирма уч ёшлардаги ўрта бўйли, озгинина бир йигит тушиб келиб, биз билан сўрашди.

— Бу киши 4-бўлимдан, бригадир Ўрол Холиёров бўладилар, — таништирди уни директор.

— Фақат менинг эмас, бу дўстимизнинг ҳам «ютуғи аъло», — деди Хайрулла кулиб.

— Тўғри, куни-кеча план ва мажбуриятларини ошириб бажаргани учун биз Ўролга тўн кийдирдик, райкомнинг биринчи секретари Толмас Раззоқович Тиллаев эса, унга енгил машина калитини топширди, — фахр билан изоҳ берди Норқулов.

Ўрол билан суҳбатлашиб келяпмиз.

— Бошқаларни билмайман, балки, уларда ҳам шундайдир. Масалан, бизда, яъни районимизда катта-кичиклигидан қатъи назар, ютуққа эришилдими, албатта, райком томонидан табрикланади, йиғилишларда баралла овоз билан таъкидланади, район газеласи ва радиоэшиттиришида оператив ҳабар қилинади, бадиий ҳаваскорлик коллективлари зафар мадҳини тараннум этишади. Мисол. Боя эшитдингизлар, куни кеча совхозимизда ўшлик пайтида йиғилиш бўлиб, илғорларга байроқлар топширилди, мукофотлар берилди. Толмас ака мени табриклаб турибди, «отанга раҳмат, ука!», деди. Тўғриси, мана шу биргина сўз мен учун енгил машинадан ҳам, зар тўндан ҳам қимматли.

Район партия ташкилотининг пахта йиғим-теримини ташкил этишдаги активлигини кўриб, далада ишлаётганлар учун қилаётган ғамхўрлигидан бахраманд бўлганимиз сайин ишлагимиз, ишлаганда ҳам фақат фидокорона ишлагимиз келади.

Ўрол Холиёровнинг бу дил сўзлари, янги меҳнат зафарлари чўққисини забт этиш иштиёқи билан йўғрилган бу қалб туйғулари партия ташкилоти бахш этган илҳом туфайли қуйилиб келарди...

Район далаларини айланиб юрганимизда, пахтакорлар, механизаторлар, ҳашарчилар билан учрашиб, уларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишганимизда, машҳур бригадир бутун чироқчиликларнинг кўнглидаги ғапни топиб айтганига, унга насиб қилган илҳом бошқа минглаб кишиларга ҳам насиб қилганига такрор ва такрор амин бўлдик.

Ҳамма ерда бирдай сафарбарлик. Бошланғич партия ташкилотларининг барчаси буюк «оқ олтин» хирмони бунёд этилаётган ҳозирги долзарб дамларда бутун сиёсий-ташкилотчилик, оммавий маданий ишларни бевосита пахтазорга, теримчилар даврасига кўчирганлар. Райондаги жамики ташкилотлар, идоралар ва муассасаларнинг ходимларидан тузилган зарбдор бригадалар ҳар йилгидек бу йил ҳам алоҳида ўрнак кўрсатишяпти. Ҳамма ерда коммунистларнинг авангардлиги кўзга яққол ташланиб турибди. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарганлар орасида ҳам партиявий ибрат, партиявий намуна кўрсатиб ишлаётганлар кўпчиликни ташкил этади. «Зангори кема» рулини ушлаган механизаторларнинг барчаси, белига этак боғлаганларнинг ҳаммаси пахта тайёрлаш суръатларини кун сайин ошириш, мавсумнинг ҳар бир кунидан, ҳар бир дақиқасидан самарали фойдаланиш керак, деган эзгу мақсад, фикр-ўй ва ташвиш билан далага отланган. Одамлар билан техника пахта йиғим-теримига тўла сафарбар этилганлигини кўрганимизда, барча мавжуд резервлардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини бутун чоралар билан ошириш учун ажойиб уюшқоқлик, сабот-матонат ва мардлик намоён бўлаётганлигидан огоҳ бўлганимизда беихтиёр хаёлимизга Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг тарихий Мурожаатидаги машҳур даъватқор сўзлар келди.

— Мен, — дейди, — Мели Қулбулов, — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг ғоятда илҳомбахш Мурожаати эълон қилингандан сўнг мажбуриятимни ўзгартирдим. 300 тонна термоқчи эдим. Энди бу маррани 400 тонна қилиб эгаллаймоқчиман.

Пахтакорлар, механизаторлар, ҳашарчилар учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Медицина, маданий-маиший хизмат, савдо хизмати далада гилар эҳтиёжига тўла жавоб беради. Айниқса район матлубот жамияти (раиси Р. Жўраев) савдо ходимлари, шунингдек, Қўқдала ишчилар кооперацияси (раиси Т. Жуманазаров) хизматлари барча мамнун. Район матлуботчиларн йиғим-терим мавсумида 6 та автомагазин, 40 та мудирсиз ларёк, 2 та кўчма ошхона, 7 та новвойхона ташкил этишди.

Қирқ икки минг тоннали «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш учун курашаётган чироқчилик пахтакорлар эрта-индин мажбуриятни ҳам бажаришади. Чунки, КПСС Марказий Комитетининг октябрдаги Чақириқларидан, республикамиз партия ва ҳукуматининг илҳомбахш Мурожаатидан илҳомланган заршунослларнинг руҳлари баланд, кайфиятлари аъло.

Ю. БЕРДИЕВ,
У. УТАЕВ,
Чироқчи районн.

Редактор ўринбосари
А. НАБИХЎЖАЕВ.

5 ЧИҚАРИЛИШИ

Ўзбекистон ССР 1981 йилги пул-буюм лотереяси бешинчи чиқарилиши бўйича 24—25 октябрда Ленинск шаҳрида ўтказилган ютуқлар тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖДА ҲАММАСИ БЎЛИБ УМУМИЙ СУММАСИ ТЎҚҚИЗ ЮЗ МИНГ СУМ БЎЛГАН 349 МИНГТА ПУЛ ВА БУЮМ ЮТУҚЛАРИ УЙНАЛДИ.

АНА ШУ ЛОТЕРЕЯНИНГ БЕШ РАЗРЯДИДАГИ СЕРИЯ НОМЕРИ ВА БИЛЕТ НОМЕРИ ҚУЙИДАГИЧА БЎЛГАН ЛОТЕРЕЯ БИЛЕТЛАРИГА ЮТУҚЛАР ЧИҚДИ:

Серия номерлари	Билет номерлари	Ютуққа чиққан буюмларнинг номи ва пул ютуғининг миқдори	Ютуқнинг чиққан буюмнинг нархи (сўм тийин).
20014	021*)	100 сўм пул ютуғи	—
20036	193*)	3 метр хон атлас	36—85
20037	039*)	3 метр хон атлас	36—85
20043	161*)	100 сўм пул ютуғи	—
20067	174*)	3 метр хон атлас	36—85
20106	112*)	3 метр хон атлас	36—85
20109	141*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20110	008*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20114	174*)	100 сўм пул ютуғи	—
20125	062*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20140	101*)	10 сўм пул ютуғи	—
20147	072*)	300 сўм пул ютуғи	—
20163	200*)	300 сўм пул ютуғи	—
20172	165*)	100 сўм пул ютуғи	—
20195	153*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20208	199*)	100 сўм пул ютуғи	—
20252	093*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20293	127*)	Урал М-67-36 аравачали мотоцикли	1745—00
20294	090*)	Урал М-67-36 аравачали мотоцикли	1745—00
20296	133*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20299	073*)	3 метр хон атлас	36—85
20318	131*)	300 сўм пул ютуғи	—
20327	155*)	50 сўм пул ютуғи	—
20328	101*)	Урал М-67-36 аравачали мотоцикли	1745—00
20358	142*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20393	197*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20395	015*)	300 сўм пул ютуғи	—
20402	170*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20421	056*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20459	135*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20461	168*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20467	191*)	100 сўм пул ютуғи	—
20485	188*)	100 сўм пул ютуғи	—
20493	038*)	«Москвич-412 ИЭ» автомашинаси	7100—00
20510	051*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20517	170*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20527	044*)	6 метр духоба	49—80
20541	191*)	3 метр хон атлас	36—85
20551	180*)	«Запорожец ЗАЗ-968» автомашинаси	4700—00
20572	046*)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
20594	147*)	300 сўм пул ютуғи	—
20596	150*)	6 метр духоба	49—80
20601	174*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20605	144*)	25 сўм пул ютуғи	—
20629	121*)	100 сўм пул ютуғи	—
20632	116*)	3 метр хон атлас	36—85
20633	182)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20659	142*)	6 метр духоба	49—80
20664	138*)	25 сўм пул ютуғи	—
20665	018*)	6 метр духоба	49—80
20670	157*)	6 метр духоба	49—80
20679	113*)	100 сўм пул ютуғи	—
20683	180*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20700	060*)	6 метр духоба	49—80
20701	038*)	6 метр духоба	49—80
20711	054*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20714	141*)	3 метр хон атлас	36—85
20730	001*)	3 метр хон атлас	36—85
20762	052*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20785	157*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20802	188*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20803	067*)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
20806	115*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20819	166*)	6 метр духоба	49—80
20839	093*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20843	171*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20877	164*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20878	012*)	20 сўм пул ютуғи	—
20890	096*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20896	114*)	«Жигули ВАЗ-2101» автомашинаси	6600—00
20898	050*)	500 сўм пул ютуғи	—
20928	087*)	3 метр хон атлас	36—85
20929	057*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20944	001*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20945	008*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
20947	058*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
20997	098*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
20999	111*)	3 метр хон атлас	36—85
21039	010*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21056	162*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21067	137*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21068	149*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21073	019*)	100 сўм пул ютуғи	—
21077	191*)	3 метр хон атлас	36—85
21136	053*)	100 сўм пул ютуғи	—
21144	153*)	100 сўм пул ютуғи	—
21147	149*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21153	160*)	6 метр духоба	49—80
21170	012*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21174	051*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21176	182*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21188	049*)	100 сўм пул ютуғи	—
21196	080*)	3 метр хон атлас	36—85
21213	141*)	6 метр духоба	49—80
21229	177*)	6 метр духоба	49—80
21234	117*)	6 метр духоба	49—80
21245	108*)	3 метр хон атлас	36—85
21268	039*)	6 метр духоба	49—80
21304	054*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21311	059*)	50 сўм пул ютуғи	—
21319	195*)	300 сўм пул ютуғи	—
21354	051*)	6 метр духоба	49—80
21360	093*)	300 сўм пул ютуғи	—
21375	062*)	25 сўм пул ютуғи	—
21376	013*)	6 метр духоба	49—80
21388	070*)	3 метр хон атлас	36—85
21389	148*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21392	040*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21402	043*)	500 сўм пул ютуғи	—
21411	169*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21413	022*)	6 метр духоба	49—80
21422	063*)	«Жигули ВАЗ-2101» автомашинаси	6600—00
21462	025*)	6 метр духоба	49—80
21464	050*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21485	106*)	50 сўм пул ютуғи	—
21486	019*)	6 метр духоба	49—80
21521	094*)	6 метр духоба	49—80
21568	170*)	6 метр духоба	49—80
21588	102*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21609	195*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21611	136*)	6 метр духоба	49—80
21631	086*)	25 сўм пул ютуғи	—
21638	094*)	3 метр хон атлас	36—85
21646	128*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21662	135*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21669	005*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21674	027*)	25 сўм пул ютуғи	—
21679	003*)	100 сўм пул ютуғи	—
21697	119*)	25 сўм пул ютуғи	—
21710	052*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21716	067*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21723	005*)	6 метр духоба	49—80
21734	057*)	6 метр духоба	49—80
21737	174*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
21760	071*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21766	001*)	6 метр духоба	49—80
21777	174*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21781	119*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
21831	137*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
21833	110*)	300 сўм пул ютуғи	—
21883	136*)	6 метр духоба	49—80
21888	039*)	3 метр хон атлас	36—85
21894	073*)	20 сўм пул ютуғи	—
21912	156*)	25 сўм пул ютуғи	—
21914	006*)	6 метр духоба	49—80
21917	071*)	3 метр хон атлас	36—85
21951	013*)	300 сўм пул ютуғи	—
21996	023*)	3 метр хон атлас	36—85
21999	167*)	100 сўм пул ютуғи	—
22009	058*)	6 метр духоба	49—80
22012	113*)	3 метр хон атлас	36—85
22013	050*)	100 сўм пул ютуғи	—
22020	022*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
22057	119*)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
22084	055*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22087	107*)	6 метр духоба	49—80
22089	169*)	300 сўм пул ютуғи	—
22123	053*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
22138	080)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
22139	089*)	3 метр хон атлас	36—85
22176	047*)	3 метр хон атлас	36—85
22186	092*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22203	040*)	500 сўм пул ютуғи	—
22206	173*)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
22208	187*)	100 сўм пул ютуғи	—
22216	160*)	6 метр духоба	49—80
22226	052*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22236	146*)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
22245	038*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22254	083*)	100 сўм пул ютуғи	—
22263	034*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22272	046*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22279	083*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22299	117*)	100 сўм пул ютуғи	—
22340	200*)	6 метр духоба	49—80
22346	030*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
22352	029*)	100 сўм пул ютуғи	—
22372	200*)	3 метр хон атлас	36—85
22377	139*)	6 метр духоба	49—80
22392	151*)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
22407	171*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
22418	006*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22427	186*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22433	136*)	50 сўм пул ютуғи	—
22439	113*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22444	153*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22482	111*)	300 сўм пул ютуғи	—
22489	001*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22530	174*)	25 сўм пул ютуғи	—
22542	141*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22543	128*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22569	164*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22572	024*)	3 метр хон атлас	36—85
22593	174*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22601	095*)	6 метр духоба	49—80
22664	031*)	50 сўм пул ютуғи	—
22711	072*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22717	060*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22734	192*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22759	021*)	100 сўм пул ютуғи	—
22764	037*)	3 метр хон атлас	36—85
22770	067*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
22797	040*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22829	047*)	6 метр духоба	49—80
22857	093*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
22875	139*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22880	181*)	20 сўм пул ютуғи	—
22881	009*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22891	182*)	25 сўм пул ютуғи	—
22912	199*)	«Жигули ВАЗ-2101» автомашинаси	6600—00
22914	129*)	6 метр духоба	49—80
22936	114*)	6 метр духоба	49—80
22940	188*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22943	167*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
22974	195*)	20 сўм пул ютуғи	—
22979	017*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
22980	117*)	«Жигули ВАЗ-2101» автомашинаси	6600—00
23009	189*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23025	172*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23030	006*)	3 метр хон атлас	36—85
23043	149*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23044	117*)	3 метр хон атлас	36—85
23055	058*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23056	170*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
23075	183*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23095	051*)	100 сўм пул ютуғи	—
23101	051*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23123	096*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23153	037*)	300 сўм пул ютуғи	—
23159	031*)	3 метр хон атлас	36—85
23164	040*)	6 метр духоба	49—80
23167	108*)	300 сўм пул ютуғи	—
23188	174*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
23193	030*)	3 метр хон атлас	36—85
23250	072*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23254	182*)	6 метр духоба	49—80
23274	122*)	6 метр духоба	49—80
23284	113*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23292	072*)	6 метр духоба	49—80
23294	011*)	3 метр хон атлас	36—85
23309	047*)	20 сўм пул ютуғи	—
23325	142*)	100 сўм пул ютуғи	—
23326	117*)	6 метр духоба	49—80
23332	096*)	6 метр духоба	49—80
23365	099*)	20 сўм пул ютуғи	—
23393	067*)	3 метр хон атлас	36—85
23456	109*)	25 сўм пул ютуғи	—
23496	181*)	300 сўм пул ютуғи	—
23503	044*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23504	105*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23515	090*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23530	030*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
23538	111*)	6 метр духоба	49—80
23541	113*)	300 сўм пул ютуғи	—
23548	125*)	3 метр хон атлас	36—85
23555	084*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23557	117*)	50 сўм пул ютуғи	—
23560	016*)	100 сўм пул ютуғи	—
23583	065*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
23598	051*)	20 сўм пул ютуғи	—
23625	154*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23636	129*)	100 сўм пул ютуғи	—
23665	005*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23667	035*)	25 сўм пул ютуғи	—
23694	118*)	300 сўм пул ютуғи	—
23696	164*)	«Запорожец ЗАЗ-968» автомашинаси	4700—00
23714	138*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23732	170*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23755	120*)	25 сўм пул ютуғи	—
23762	080*)	6 метр духоба	49—80
23768	003*)	3 метр хон атлас	36—85
23773	121*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23784	122*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23803	019*)	50 сўм пул ютуғи	—
23833	197*)	50 сўм пул ютуғи	—
23854	142*)	3 метр хон атлас	36—85
23864	190*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23875	175*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23911	168*)	100 сўм пул ютуғи	—
23917	130*)	50 сўм пул ютуғи	—
23924	075*)	6 метрли гилам поёндоз	156—00
23931	143*)	6 метрли гилам поёндоз	156—00
23941	194*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23951	100*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
23954	075*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
23980	153*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
23981	198*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
24031	181*)	3 метр хон атлас	36—85
24038	127*)	6 метр духоба	49—80
24044	097*)	6 метр духоба	49—80
24056	006*)	100 сўм пул ютуғи	—
24068	010*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
24115	183*)	3 метр хон атлас	36—85
24129	124*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
24155	039*)	100 сўм пул ютуғи	—
24159	061*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
24168	189*)	6 метр духоба	49—80
24172	019*)	100 сўм пул ютуғи	—
24190	024*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
24238	135*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
24254	135*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
24257	089*)	6 метр духоба	49—80
24269	175*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
24272	116*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24278	027*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
24316	033*)	3 метр хон атлас	36—85
24334	082*)	50 сўм пул ютуғи	—
24338	140*)	50 сўм пул ютуғи	—
24350	199*)	100 сўм пул ютуғи	—
24368	145*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
24369	069*)	300 сўм пул ютуғи	—
24373	096*)	50 сўм пул ютуғи	—
24380	012*)	25 сўм пул ютуғи	—
24383	105*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
24396	043*)	3 метр хон атлас	36—85
24403	078*)	100 сўм пул ютуғи	—
24410	069*)	20 сўм пул ютуғи	—
24438	078*)	3 метр хон атлас	36—85
24491	045*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24510	014*)	6 метр духоба	49—80
24517	166*)	6 метрли гилам поёндоз	156—00
24523	084*)	6 метр духоба	49—80
24531	015*)	6 метр гилам поёндоз	156—00
24574	070*)	100 сўм пул ютуғи	—
24633	037*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24664	025*)	«Урал М-67 36» аравачали мотоцикли	1745—00
24673	032*)	6 метрли гилам поёндоз	156—00
24693	153*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24703	001*)	25 сўм пул ютуғи	—
24727	093*)	3 метр хон атлас	36—85
24780	094*)	50 сўм пул ютуғи	—
24785	135*)	300 сўм пул ютуғи	—
24789	129*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24793	131*)	300 сўм пул ютуғи	—
24797	196*)	50 сўм пул ютуғи	—
24808	047*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
24851	008*)	3,18×2 метрли гилам	382—00
24872	141*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24875	149*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24876	029*)	50 сўм пул ютуғи	—
24881	158*)	25 сўм пул ютуғи	—
24890	052*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24907	055*)	100 сўм пул ютуғи	—
24913	177*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24921	113*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24930	068*)	«Урал М-67-36» аравачали мотоцикли	1745—00
24953	104*)	6 метр духоба	49—80
24991	155*)	1,37×2 метрли гилам	164—00
24997	160*)	20 сўм пул ютуғи	—

*) Шу серядаги билетларнинг қолган 199 номерига 1 сўмдан пул ютуғи чиқди.

ЮТУҚЛАРНИ ОЛИШ ТАРТИБИ:

1. Ютуқ чиққан билетнинг эгаси хоҳласа, шу буюмнинг қийматини нақд пул билан олиши мумкин.

2. Буюм ютуқлари СССР Давлат меҳнат омонат кассаларининг Ўзбекистон республика Бош бошқармаси нарядига биноан «Ўзбекбирлашув»нинг Тошкент шаҳридаги «Кооппосилторг» базаси томонидан юборилади.

3. Ўзбекистон ССР пул-буюм лотереяси билетларига чиққан 500 сўмгача бўлган ютуқларнинг қиймати нтнфоқдош республикалар, ўлка область ва шаҳарларнинг ҳамма марказий омонат кассаларида ҳам тўланаверади.

4. Ютуқ чиққан лотерея билетларини кечи билан 1982 йил 30 июнга қадар топшириш керак. Шу муддатдан кейин лотерея билетлари ютуқ тўлаш учун қабул қилинмайди.

5. Бошқа нтнфоқдош республикаларда ўтказиладиган пул-буюм лотереялари билетларини Ўзбекистон ССРнинг ҳамма шаҳарларидаги марказий омонат кассаларида текшириш ва ютуқларни шу кассалар орқали олиш мумкин.

6. Бу жадвал расмий ҳужжат бўлиб, пул-буюм ютуқлари шу жадвалга қараб тўланади.

Ютуқлар газетанинг навбатдаги сони чиққандан кейин тўланади.

ЭСЛАТМА: 1. Пул-буюм лотереяси бўйича ютуққа чиққан баъзи бир буюмларни ишлаб чиқариш тўхтатиб қўйилган бўлса бундай буюмлар шунга ўхшаш бошқа маркалаги буюмлар билан алмаштирилади. Бу ҳолда берилаётган буюм қиймати лотереяга чиққан буюм ютуғининг баҳосидан арзон бўлса нарх ўртасидаги фарқ қўшиб берилади.

Буюмларнинг чакана савдо нархи ўзгарган тақдирда буюм ютуқлари янги прейскурант кучга кирган вақтдан бошлаб янги нарх бўйича тўланади.

2. Агар буюм ютуғи чиққан лотерея билетининг эгаси, ютуқни нақд пул билан олишни хоҳласа, унга лотерея шартларига биноан ютуқ қиймати тўланади.

Тираж комиссиясининг раиси — халқ депутатлари Ленинск шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари — Р. П. КИМ.

Тираж комиссиясининг масъул секретари — СССР Давлат меҳнат омонат кассалари Ўзбекистон республика Бош бошқармасининг катта экономисти — Ў. К. ЕҚУБОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Гимнастика. 10.05 — Америка фожиаси. Бадиий фильм. 1-қисм. 11.20 — Биз билан бирга, худди бизлек, бизлан ҳам яхшироқ бажар. 12.10 — Ҳужжатли фильм. 12.40 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Жонажон табиат. 16.35 — Горичилар қаердасиз? 17.05 — Объектив. 17.40 — Балет қўйларидан парчалар. 18.00 — Биз ВЛКСМ қурилмиз. 18.30 — Мультфильм. 18.45 — Врач суҳбати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Хоккей. Трактор — ЦСКА. 21.30 — Время. 22.30 — Футбол. Жаҳон чемпионати саралаш ўйини. СССР—ҲССР 24.00 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-IV. 9.00 — Время. 9.45 ва 16.40 — Ҳужжатли фильм. 10.05 ва 12.05 — Немис тили. 10.35 ва 11.35 — География. 11.05 — Ҳунартехника билим юртларида вилмага ва қандай қилиб ўргатишади. 12.40 — Умумий биология. 13.10 — Ота-оналар, Сизлар учун. 13.40 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 14.50 — Ўрта аср шаҳрида. 15.20 — Табиатшуносник. 15.40 — Совет драматургиясида меҳнат мавзуи. 19.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.30 — Халқаро панорама. 21.15 — Ҳайвонлар тили, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Биринчи қиз. Бадиий фильм. 23.10 — Концерт.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Физика. 12.00 — Ҳужжатли кино экрани. 12.30 — Физика. 13.00 — Замандас. 13.50 — Олий математика. 18.05 — Мультфильм. 18.10 — Еш куч. 18.40 — Халқ ижоди. 19.10 — Мусобақа — оммаи ижоди. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Совет Ўзбекистони композиторлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.30 — Кўкон воқеаси. Бадиий фильм. 3-серия. 23.35 — Бугун оламда нима гап?

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.30 — Ўқитувчи экрани. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Партия ишинг жангговар ёрдамчиси. 20.50 — Телефильм. 21.00 — Француз тили. 21.30 — Москва-IV.

РАДИО

БУГУН

8.30 — Еш ижрочилар концерти. 9.35 — Кўшиқлардан кўшиқларга. 11.15 — Интернационал алоқа давр талаби. 11.25 — Концерт. 12.10 — Ўзбекистан индустриальний. 14.00 — Илғорлар рапорт беради. 19.25 — Ялла концерти. 21.00 — Бунёдкорлар. 21.10 — Шеъриятсиз кечаси. 21.30 — Пахта теримчилар учун концерт. 22.30 — Концерт. 23.15 — Ўзбек давлат телевидениеси ва солистлари ижро этади.

ОБУНАЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

МАРКАЗИЙ ВА РЕСПУБЛИКА ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРИГА

1982 йил учун

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Обуна «СОЮЗПЕЧАТЬ» агентликларида ва алоқа бўлимларида 1 ноябрга қадар қабул қилинади. Обунани каталогда кўрсатилган шартларга биноан хоҳлаган муддатга расмийлаштириш мумкин.

Обунани коллектив равишда ва маълум муддатга расмийлаштириш мумкин.

Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

«Союзлифтмонтаж» трести

ОЛМАОТА МОНТАЖ БОШҚАРМАСИНИНГ

ЎРТА ОСИЁ МОНТАЖ УЧАСТКАСИ

18 ёшли йигитларни, Совет Армиясида ҳарбий хизматни ўтаб қайтганларни лифтларнинг слесарь монтажчилари касби бўйича ўқитиш учун

2,5 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқишдан сўнг Тошкент шаҳрида 2,5 ой практика ўтилади.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Ўқиш даврида ўқувчиларга ойига 76 сўм стипендия берилади.

Справкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, 97-алоқа бўлими, Чилонзор массиви, 5-квартал, «Союзлифтмонтаж». Телефонлар: 78-17-56, 78-30-79.

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармаси аэропортларида шаҳарлар ва областлардаги ташкилотлар ва корхоналар билан саноат ва қишлоқ хўжалиги юкларини МОСКВА, АШХОБОД, ГОРЬКИЙ, ДУШАНБА, ИРКУТСК, ҚАРАҒАНДА, ҚОЗОН, КЕМЕРОВО, КИЕВ, КРАСНОЯРСК, КУЙБИШЕВ, ЛЬВОВ, ЛЕНИНГРАД, МИНЕРАЛЬНИЕ ВОДИ, НОВОКУЗНЕЦК, ОМСК, ОРЕНБУРГ, РОСТОВ, СВЕРДЛОВСК, СИМФЕРОПОЛЬ, СОЧИ, ТБИЛИСИ, ТОМСК, УФА, ХАБАРОВСК, ЧЕЛЯБИНСК ВА бошқа шаҳарларга учадиган рейсдаги самолётларда олиб бериб бериш юзасидан

БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ ВА ШАРТНОМАЛАР ТУЗИЛАДИ

Юкларни самолётларда юбориш ва шартномалар тузиш юзасидан аэропортларнинг почта-юк ташиш хизматига мурожаат этингиз.

Телефонлар: 99-84-67, 53-47-51.

«ТРАНССТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг

ЎРТА ОСИЁ МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИ

тепловоз машинисти ёрдамчиси касбига эга бўлган 18 ва ундан катта ёшдаги эркакларни

ЛУБНИ ШАҲРИДАГИ ТЕХНИКА МАКТАБИГА

тепловоз машинистларини тайёрлайдиган 6 ойлик курсларга юборади

Ўқишнинг биринчи уч ойида 1-разрядли ишчининг ўртача иш ҳақи, сўнгги 3 ойда эса ойига 76 сўмдан стипендия берилади.

Ўқув жойига бориш ва қайтиш учун билетлар ва ҳужжатлар билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Венгерская кўчаси, 29 «а»-уй, кадрлар бўлими. Телефон 39-24-97.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 29/X да Кузнинг биринчи куни (16.00), 30/X да Ғариблар, 31/X да Келинлар қўзғолони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 29/X да Хизматингизга тайёрмиз, 30/X да Ишонмасанг ўламан, 31/X да Концерт.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Редакция адреси: 700000, Тошкент — П. Ленин кўчаси, 41.

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия гурмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропагандаси — 32-55-70; коммунистик т